

БОҚИЙ ФИКРЛАР

Табиатга яқинлик,
азиз ўлканинг бениҳоя
ғўзаллигидан баҳраманд
бўлиш маънавиятга
озиқ беради,
уни кучайтиради.

Ислом КАРИМОВ



Ma'rifat

ENLIGHTENMENT • XALQ ZIYOLILARI GAZETASI • معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan 2010-yil 20-oktabr, chorshanba № 82 (8315) ISSN 2010-6416

ДЎСТЛИК ВА ҚАРДОШЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

АШХОБОД, 19 октябрь. ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг таклифига биноан 19 октябрь куни расмий ташриф билан Ашхободга келди.

Мамлакатимиз раҳбарини Ашхобод шаҳрининг халқаро аэропортида Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов кутиб олди. Шу ернинг ўзида Ўзбекистон Республикаси Президентини расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Президентлар Ислом Каримов ва Гурбангули Бердимухамедов шоҳ-супага кўтарилдилар. Ўзбекистон ва Туркменистоннинг

давлат мадҳиялари янгради. Президентлар фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

«Ўғузкент» қароргоҳида Ислом Каримов ва Гурбангули Бердимухамедовнинг яккама-якка суҳбати бўлди. Президентлар Ўзбекистон — Туркменистон муносабатларига доир кенг кўламли масалалар, ўзларини қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муаммолар юзасидан аτροφлича фикр алмашдилар.

— Бугунги кунда мамлакатларимиз ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорлик устувор аҳамият касб этмоқда, — деди Ислом Каримов. — Биз Туркменистонни ишончли, узоқ муддатли иқтисодий шерик, деб биламиз. Савдо-иқти-

содий алоқаларнинг барқарор ва изчил ривожланиши муносабатларимизни тараққий эттириш учун мустаҳкам асос вазифасини ўтайди. Ўзбекистон билан Туркменистон ўртасидаги ҳамкорлик икки томон манфаатларига, минтақавий ва халқаро тараққиёт талабларига мос равишда ривожланиб бормоқда.

— Туркменистон — Ўзбекистон муносабатлари икки томонлама ҳамкорликка, минтақавий ва халқаро масалаларга қараш ва ёндашувларнинг ўхшашлиги билан алоҳида аҳамиятга эга, — деди Гурбангули Бердимухамедов. — Ўзаро ишонч, дўстлик ва яхши қўшничилик, анъана ва қадриятларга ҳурмат бир-биримизни яқинлаштиради. Туркменистон Ўзбекистон билан ривожланиб бораётган муноса-

батларни юксак қадрлайди.

Бугунги кунда икки томонлама алоқалар 2007 йилда имзоланган Дўстона муносабатлар ва ҳар томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш тўғрисидаги давлатлараро шартнома руҳида тараққий этмоқда. Президентлар яккама-якка суҳбатда Ўзбекистон ва Туркменистоннинг сиёсий, савдо-иқтисодий, гуманитар ҳамкорлигига, минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга доир масалаларни муҳокама қилдилар.

Президентлар Афғонистондаги вазият юзасидан фикр алмашдилар. Ислом Каримов фақат ҳарбий куч ишлатиш билан Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириб бўлмаслигини, кўп йиллик уруш оқибатида вайрон бўлган мамла-


катда кенг кўламли халқаро ёрдам асосида иқтисодий ва ижтимоий соҳаларни тиклаш, давлатчиликни мустаҳкамлаш, аҳолини иш билан таъминлаш зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Ислом Каримов ва Гурбангули Бердимухамедов Марказий Осиёда сув-энергетика захираларидан самарали фойдаланиш, минтақавий ҳамкорликни янада ривожлантириш, жаҳон иқтисодий инқирозининг салбий таъсирларини юмшатиш масалалари юзасидан ҳам аτροφлича фикр алмашдилар. Айниқса, бутун минтақа учун ҳаётий муҳим ва долзарб бўлган умумий сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш каби масалалар бўйича томонларнинг қарашлари ўхшаш ва яқиндир.

(Давоми 2-бетда.)

Фаслларнинг ташрифи Зарафшон воҳасида ўзгачароқ қиёфа касб этади, назаримда. Баҳорда бу томонларга йўлингиз тушса, кенг далалар бўйлаб ёйилиб кетган қизғалдоқзорларнинг офтобда лов-лов ёнаётган тароватидан кўнглингиз сурурларга тўлади. Фусункор воҳанинг бир бўлаги бўлмиш Сармишсой дараси томон яқинлаша борганингиз сари эса балки илк бора нигоҳингиз тушаётган гиёҳларнинг ифори, митти-митти гулларга кўмилган турли-туман ўт-ўланларнинг майин шабадада охистагина бош тебратиб чайқалишлари хаёлларингизни олис-олисларга олиб кетади. Бу гўшанинг қишлари ҳам ўзгача: шаҳару қишлоқларда кун ўтмайин томчиларга айланиб, она замин бағрига сингиб кетгучи қор бу томонларда ҳафталаб борликни оппоқ дунёларга ўраб ётади. Ёзнинг том маънодаги ҳароратини ана шу ёбонларнинг тафтини сипқормайин ҳис этиш жуда-жуда қийин. Таъбир жоиз бўлса, тонгги саболар ҳам вужудингизни иссиқ нафаси билан силаб ўтади. Чошгоҳу пешинларнинг жазирамаси эса киприк қоқмоққа изн бермайин, оламни куйдиришга ҳозирдек. Ана шундай паллаларда ҳам бу кенгликларда тирикликнинг нафаси уфуриб туради. Негаки, яккам-дуккам янтоқлар илдизларин она ернинг қаърига чўзганча пушти

ОЧИҚ ОСМОН ОСТИДАГИ ЖИТОБ Ўхуд тошларга битилган йилнома таърифи



(Эссе)

гулларин узатиб яшамоқ ва яшариш қўшигини куйлайверади. Куз Зарафшон воҳасидан бошланади, десак, таажжубингиз ортмасин. Ёз офтоби худудда унган гулу гиёҳларнинг мадорини куришиб, қовжираган хору хасга айлангиргани боисми, бепоян маскан сап-сарик ёпинчигини елкасига ташлаганча кузнинг қарши-сига чиқади...

...Олисларда виқор тўкиб турган Қоратоғ этақлари, унга тутшиб кетган қир-адирлар, онда-сонда учраётган дарахтлар, ариқлар бўйида нимтабассум қилиб турган яшиллик, йўлимизни гоҳи-гоҳида кесиб ўтаётган типратикону тошбақалар, яна қандайдир жонзотларнинг ҳаракатлари бу масканда сокин ва табиий олам ҳукмронлигидан сўзлаётгандек. Сармишсой томон яқинлашганимиз сари табиат ҳам яшилликка бурканиб, бир пайтлар бу ерларда сўлим қишлоқлар бўлганидан далолат берувчи деворлари нураб тушган ҳовлилар, уй-жойлар, огилхоналар учрайди. Дарвоқе, бу атропофда тирикчилигини мана шу тоғу тошлар билан боғлаган бир неча хўжалиқдангина иборат аҳоли ҳам истиқомат қилади. Тўғри, Сармишсой дарасида бир нечта болалар дам олиш оромгоҳлари жойлашгани боис ҳам ёз бўйи бу томонлардан одам аримайди...

(Давоми 5-, 16-бетларда.)

<p>GAZETANI BARAQLAGANDA</p>	<p>Bir soatlik dars SIFATLARNING YASALISHI</p>	<p>БОЛА ҲАЁТИ ХАВФСИЗЛИГИ: у қандай таъминланади?</p>	<p>21-oktabr — «Daviat tilli haqida»gi Qonun qabul qilingan kun МИЛЛИЙ РУҲНИЯТИМИЗ АСОСИ Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганлигига йигирма бир йил тўлди</p>	<p>О'QISH DARSLARIDA TAHLILNING AHAMIYATI</p>
	6-бет	7-бет	8—9-бетлар	10-бет

ДЎСТЛИК ВА ҚАРДОШЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Иқтисодий ҳамкорлик кўлами ҳам кенг. Икки мамлакатда ҳам нефть-газ саноати жадал ривожланиб, хорижий сармоядорлар билан ёқилги-энергетика мажмуи соҳасидаги ҳамкорлик кўлами кенгаймоқда. Мамлакатларимиз бу соҳада икки томонлама ҳамкорлик баробарида кўп томонлама лойиҳаларда ҳам фаол иштирок этмоқда. 2009 йилда очилган Марказий Осиё — Хитой газ қувури бунинг ёрқин далолатидир.

Транспорт соҳаси иқтисодий ҳамкорликнинг муҳим бўғинидир. Ўзбекистон ҳудуди орқали Туркменистонга, Туркменистон ҳудуди орқали Ўзбекистонга юк ташилади. Мамлакатларимиз коммуникациялари учинчи давлатлар учун транзит вазифини ўтамоқда. Ўзбекистон ва Туркменистоннинг транспорт ва транзит салоҳиятидан, янги транспорт тармоқлари очиш имкониятларидан тўлароқ фойдаланиш нафақат бу икки мамлакат, балки бошқа кўплаб давлатлар учун ҳам манфаатли эканлиги таъкидланди.

Президентлар мулоқотни Ўзбекистон ва Туркменистон расмий делегациялари аъзолари иштирокида давом эттирдилар. Музокарада асосий эътибор савдо-иқтисодий ва гуманитар ҳамкорлик масалаларига қаратилди.

Ўзбекистон ва Туркменистон табиий газ қазиб олиш ва узатиш борасида дунёдаги етакчи мамлакатлар сирасига киради. Энергия манбаларига талаб йил сайин ошиб бораётган ва жаҳон иқтисодий инқирози ҳамон давом этаётган ҳозирги шароитда мамлакатларимизнинг бу со-

ҳада яқиндан ҳамкорлик қилиши фоят муҳим аҳамиятга эга. Соҳага биргаликда сармоя жалб этиш орқали, яъни йирик халқаро консорциумлар тузиш йўли билан Ўзбекистонда ҳам, Туркменистонда ҳам нефть-газ соҳасида юқори кўшимча қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни такомиллаштириш масалалари кўриб чиқилди. Бу нефть-газ саноати келтирадиган даромадни бир неча ҳисса ошириш имконини беради. Шу орқали давлатларимизнинг ҳамжиҳатлиги мустаҳкамланади, икки томонда янги иш ўринлари, янги инфратузилма иншоотлари барпо этилади.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон ва Туркменистон халқаро транзит юк ташини борасида катта имкониятларга эга. Бу соҳадаги амалий ҳамкорлик туфайли йилига мамлакатларимиз ҳудуди орқали ташиб ўтилдиган икки давлатга тегишли экспорт-импорт юклар ҳажми қарийб 2,5 миллион тоннага етмоқда.

Энг сердаромад соҳалардан бири бўлган сайёҳлик ҳамкорликнинг яна бир устувор йўналишидир. Бу борадаги ҳамкорлик икки томонлама сайёҳ алмашувини ривожлантириш баробарида, учинчи давлатлардан ҳам сайёҳ жалб қилишга хизмат қилади.

Ўзбекистон Туркменистонга хизматлар, озик-овқат маҳсулотлари, механик ускуналар, транспорт воситалари, шиша ва қора металл ҳамда улардан тайёрланган буюмлар, оптик асбоблар, кимё маҳсулотлари экспорт қилади. Туркменистондан Ўзбекистонга пластмасса ва ундан тайёрланган буюмлар, хизматлар, ноорганик кимё маҳсулотлари им-

порт қилинади. 2009 йили ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 185,7 миллион АҚШ долларини ташкил қилди. Лекин, музокарада тўғри таъкидланганидек, бу ҳали Ўзбекистон ва Туркменистон имкониятларига тўла мос кўрсаткич эмас.

Кўшма корхоналар сонини ҳам томонларнинг салоҳияти даражасида дейиш қийин. Нефть-газ, қишлоқ хўжалиги, транспорт, сайёҳликдан ташқари кўплаб бошқа соҳаларда ҳам кўшма корхоналар ташкил этиш мумкин. Улар сирасига ахборот технологиялари, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, тўқимачилик ва бошқа соҳалар киратилади.

Фойдаланилмаётган имкониятларни ишга солиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, ҳамкорликнинг янги йўналишларини очиш ва ривожлантириш Савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро кўшма комиссия зиммасига юкланган. Сўнгги йилларда Президентлар ташаббуси билан ушбу комиссия мунтазам равишда мажлислар ўтказиб келмоқда. Тошкент ва Ашхободда Ўзбекистон ва Туркменистоннинг миллий кўрғазмалари ташкил қилинмоқда.

Музокарада гуманитар ҳамкорлик масалалари ҳам кўриб чиқилди. Албатта, бу йўналишдаги алоқаларни ривожлантиришда халқларимиз ўртасидаги маънавий яқинлик, аънавий дўстлик ришталари муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон ва Туркменистоннинг маданият ва санъат намояндалари икки мамлакатда ташкил этилади-

ган фестивал, кўрғазма ва форумларда мунтазам иштирок этиб келадилар. Хусусан, туркменистонлик санъаткорлар Самарқандда ўтадиган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалининг доимий иштирокчиларидир. 2009 йилда туркменистонлик Л.Бегназарова бу фестивалда Гран-прига сазовор бўлди.

Жорий йилнинг март ойида Ўзбекистонда атоқли туркман шоири Муллонафаснинг 200 йиллик юбилейи кенг нишонланди.

Шу кунларда Туркменистоннинг Тошкент шаҳрида бўлиб ўтаётган Ўзбекистон — Туркменистон ижодий фестивали эса маданият соҳасидаги ҳамкорликнинг яна бир ёрқин намоёнидир.

Музокаралар якунида Ислом Каримов ва Гурбангули Бердимухамедов Ўзбекистон — Туркменистон кўшма баёнотида имзо чекдилар. Мамлакатларимиз ҳукуматлари ўртасида маданий-гуманитар соҳада 2011-2013 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури имзоланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Ислом Каримов ва Гурбангули Бердимухамедов музокаралар очик, ўзаро ишонч ва ҳурмат руҳида, ишчан кайфиятда ўтганини, эришилган келишувлар Ўзбекистон — Туркменистон муносабатларини янада ривожлантиришга, икки мамлакат халқлари манфаатларига хизмат қилишини таъкидладилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Туркменистонга расмий ташрифи давом этмоқда.

(ЎЗА)

ШАРҚ ДУРДОНАСИНING ШОДИЁНАСИ

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб Президентимиз ташаббуси билан миллий маънавиятимизга, бой удум ва аъналаримизга, қомусий илм соҳиблари бўлган боболаримизнинг илмий меросларига катта эътибор қаратилди. Ўтмишимизни холис ва ҳаққоний ўрганиш, асл ҳақиқатни англаш, тарихий обидалар ва азиз қадамжоларни қайта тиклаш ва ободонлаштириш учун кенг имконият яратилди.

Буни Самарқанд шаҳри мисолида ҳам кўришимиз мумкин. 1996 йили Соҳибқирон бобомиз Амир Темурнинг 660 йиллик юбилейи муносабати билан шаҳримизда бобомизнинг муҳташам ҳайкали ўрнатилди. Юксак мукофот — «Амир Темур» ордени Ўртбошимиз томонидан шаҳримиз байроғига қадаб қўйилди ва шу куни «18 октябрь — Самарқанд куни», деб эълон қилинди.

Ушбу санадан бошлаб ҳар йили мамлакатимизда «Самарқанд куни» байрам сифатида кенг нишонланиб келинмоқда. Айниқса, ер юзининг сайқали бўлмиш Самарқандда бу шодиёнага кўтаринки кайфиятда ҳозирлик кўрилади. Шаҳарда кенг миқёсда ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Байрам тадбири барча корхона-ташкilotларда, маҳаллаларда, таълим ва тиббиёт муассасаларида бўлиб ўтади. Шу муносабат билан танловлар, мусобақалар, кўрғазмалар, илмий анжуманлар, маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилади.

Бу йил ҳам «Самарқанд куни» байрами муносабати

билан шаҳарда катта тайёргарлик ишлари олиб борилди. Жумладан, шаҳарда ободонлаштириш ва тозалик ойлиги эълон қилиниб, ойлик давомида жойларда куз-қиш мавсумига тайёргарлик борасида ҳам самарали ишлар амалга оширилди. Шаҳарликлар байрамни кўтаринки кайфиятда кутиб олиш учун унга муносиб ҳозирлик кўришди.

18 октябрь — «Самарқанд куни» байрами эрта тонгдан бошланди. Байрамона безатилган фойтунда Регистон кўчаси, Университет хиёбони, Мирзо Улуғбек, Гагарин ҳамда Амир Темур кўчалари бўйлаб карнай-сурнайчилар байрам бошлангани ҳақида жар солиб, дарак бердилар.

Байрам муносабати билан шаҳардаги «Мўъжиза» ресторанида тортилган наҳор ошидан сўнг вилоят ва шаҳар ҳокимликлари, корхона ва ташкilotлар ҳамда шаҳар жамоатчилиги томонидан Амир Темур ҳайкали пойига гуллар қўйилди.

«Ёшлик», «Сугдиёна» ҳамда Алишер Навоий номли марказий маданият ва истироҳат боғларида шаҳардаги меҳрибон-

лик уйларининг тарбияланувчилари учун аттракционларнинг беминнат хизмат кўрсатиши йўлга қўйилди. Тарбияланувчилар «Шарқ юлдузи» кинотеатрида бепул кинофильмлар томоша қилдилар. Ҳамид Олимжон номли мусиқа ва драма театрида мактаб ўқувчилари учун бепул «Буюк Темур» спектакли намоиш қилинди. Шу театр фойесида «Менинг шаҳрим» мавзусида ўқувчиларнинг расмлар кўрғазмаси ҳам ташкил этилди.

Шунингдек, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари ўртасида югуриш марафони, ТИП-2 спорт мажмуасида ўқувчи-қизлар ўртасида бадий гимнастика бўйича беллашувлар ташкил этилди.

Шу куни «Афросиёб» музейида «Афросиёб музейи: тадқиқотлар, изланишлар, муаммолар» мавзусида ҳамда Самарқанд давлат университетида «Самарқанд — Шарқ гавҳари» мавзуларида илмий-амалий анжуманлар бўлиб ўтди.

Самарқандликлар учун ажойиб байрам совғаси бўлган «Аэропорт» маҳалласидаги «Афросиёб» спорт саройининг очилиш маросими байрам шукҳига шуқуқ қўшди.

— Узоқ йиллардан буён қаровсиз ва ташландиқ бўлиб ётган бино Юртбошимизнинг ёш авлодга бўлган эътибори боис, қайта реконструкция қилиниб, жиҳозланди, — деди спорт саройининг очилиш маросимида сўзга чиққан Самарқанд шаҳар ҳокими З.Мирза-



ев. — Ўйлаймизки, келгусида мана шу спорт мажмуасида шуғулланиб камолга етган ёшлар жаҳон чемпионатларида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишади.

Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг 2 млрд. 250 млн. сўмлик маблағлари асосида қайта реконструкция қилинган мазкур мажмуа жамғарманинг 100 млн. сўмлик спорт ускуналари билан жиҳозланди. 600 ўринли мажмуада шу ҳудуддаги ўндан зиёд маҳаллаларнинг ёшлари келиб, ўзлари танлаган спорт тури билан шуғулланиш имкониятига эга бўлишди. Бу ерда қисқа фурсатларда барча шароитларга эга бўлган спорт зали, сузиш ҳавзаси, тренажёр зали ҳамда спортчилар учун 30 ўринли меҳмонхона бунёд этилди.

— Президентимиз томонидан биз — ёшлар учун кўрсатилаётган гамхўрлик ва эъти-

бор кучимизга куч, шижоатимизга шижоат қўшди, — дейди энгил атлетика бўйича Осиё чемпиони Озода Каримова. — Бу яратилган шароитлардан оқилона фойдаланган ҳолда келажақда, албатта, янада юксак чўққиларни забт этамиз.

Байрам куни вилоят ўқувтарбия мажмуасида «Китоблар» ва «Гуллар» кўрғазмалари ҳамда «Она шаҳрим — Самарқандим» деб номланган концерт дастури ва варрақлар учирини мусобақаси, шаҳар ХТБда ўқувчилар ўртасида ўтказилган «Азиз шаҳрим — Самарқанд» иншолар танловининг голибларини тақдирлаш маросимлари бўлиб ўтди. Шунингдек, кам таъминланганлар ва боқувчисини йўқотган, яққа-ёлғизлар ҳолидан хабар олиниб, меҳр-саҳоват кўрсатилди.

Ҳақим Жўраев,
«Ma'rifat» мухбири

Ўқитувчи қачон ўқувчиларига ҳар томонлама пухта билим бера олади. Қачонки, ўз устида тинимсиз ишлаб, билим ва маҳоратини доимий оширган ҳолда кўшимча манбалар ва кўргазмаларни қуроллардан самарали фойдаланса, бундай муаллимнинг ўқувчилари ҳам фаол бўлади. Бу эса ўқитувчидан вақтнинг ҳар бир дақиқасини қадрлашни талаб этади. Биз бежизга бу ҳақда гапирмадик. Хабарингиз бор: янги ўқув йилидан умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчиларининг иш юкласини белгилаш ва тақсимлашнинг янги тартиби ишлаб чиқилиб, тасдиқланди ва амалиётга татбиқ этилди. Бу ўқитувчига асосий эътиборни таълим мазмунини оширишга қаратиш учун имкониятдир.

— Халқ таълими ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари томонидан тасдиқланган янги таҳрирдаги йўриқнома умумтаълим муассасалари ўқитувчиларининг иш юкламаларини белгилаш ва тақсимлашни тартибга солиди. Унга кўра, ўқитувчи томонидан ўз юкламасига оид йиллик иш режаси, тарбиявий ишлар режаси (синф раҳбари учун), тақвим-мавзу режаси, дарс конспекти, дарс кузатиш дафтари ҳамда синф журналдан иборат бта ҳужжат юритилади ва мактаб маъмурияти томонидан улар назорат қилинади. Бу билан ўқитувчиларнинг кўпроқ ўз устида ишлашлари ва асосий эътиборни таълим-тарбия сифати, самарадорлигини оширишга қаратишлари учун шароит яратилди, — дейди Халқ таълими вазири Муҳаммад Абдулқодир.

Янги ўқув йили олдида ўтказилган халқ таълими ходимларининг анъанавий Август кенгашлари шўъба йиғилишларида ўқитувчилар йиллик иш юкламаси бажарилишини тартибга солиш учун ҳужжатларини юритиш бўйича атрофлича маълумотларга эга бўлдилар. Жумладан, умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчисининг йиллик иш юкламаси 1548 соатдан иборат бўлиб, юклама доирасида бажариладиган ишлар 3та йўналишда амалга оширилади: ўқув-тарбия жараёни, ўқув жараёнининг методик таъминоти ҳамда ташкилий педагогик фаолият. Ўқув йили бошлангани билан ҳар бир педагог ўзига ажратилган дарс соатлари бўйича шахсий иш режасида белгиланган вази-

фаларни бажаришга киришди. Табиий савол туғилади: иш юкласини белгилаш ва тақсимлаш бўйича тасдиқланган йўриқнома амалиётга татбиқ этилган, у педагоглар томонидан қандай қарши олинди, энг муҳими, у бугунги кунда таълимнинг сифат ва мазмунига нечоғлик таъсир кўрсатмоқда?

қаратишга мажбур бўлиб қолиши уни айрим ноқулай вазиятларига ҳам солиб қўйгани сир эмас. Ҳаётий мисол бўш ўзлаштирувчи ўқувчиларнинг ота-оналари билан бамавқат иш юритиш учун хонадонларига бориб, оилавий шароитларини ўрганишга тўғри келади. Шунда, табиийки, ўқувчининг ота-онаси ёки болани васийликка олган қаровчилар билан учрашиб, мавжуд вазият ҳақида гаплашамиз. Уларга баъзи тавсиялар бериб, тушунтириш олиб бориш баробарида баъзан айтилган гапларни, қилинган ишларни тасдиқлаштириш учун улардан имзо қўйиб беришни сўраш бироз ноқулай туюларди. Амалиётга жорий этилган иш юкласини бажариш тартиби эса бизга маънавий жиҳатдан ҳам енгиллик туғдирди. Янги тартибдаги йўриқномага биноан синф-

Yangi o'quv yili yangiliklari amalda

раб олиши, шу билан биргаликда, ўқитувчини асосий вазифасидан чалғитадиган ортиқча жиҳатлардан ҳам холи бўлиши керак.

— Аввалги иш юклама бўйича 70 саҳифадан иборат кундалик дафтар тузилганди. Дафтарда юклагама биноан 5та бўлим ва 33та йўналиш бўйича алоҳида саҳифалар ажратилиб, ўқитувчилар бажарган ишларини ҳар куни жадвалларда қайд этиб борар эди, — дейди Шайхонтоҳур туманидаги 20-мактаб директорининг ўқув-тарбия ишлари бўйича ўринбосари Динара Турсунова. — Бундан ташқари, йўриқномада белгиланган 5та бўлимнинг яна 10та йўналишига доир қилинган ишлар ҳам бошқа ҳужжатларда ўз аксини топиши талаб қилинарди. Яна ўқитув-

лумотларни тўплаши, бошқа мактабларда бўлиб, дарсларни кузатиши, тажриба алмашиши, шунингдек, интернетдан яхши хабардор бўлиши керак.

— Янги ўқув йилининг I чораги ҳам якунланяпти. Ҳозирда дарсдан сўнг вақтимизни кейинги дарсларга тайёргарлик кўриш учун сарфламақдамиз. Масалан, кўпинча кўргазмаларни қуроллар тўплаш, мавзунини ёритишда дарсликдан ташқари маълумотлар қидириш ҳамда ахборот-коммуникацион технологияларидан фойдаланишнинг янги-янги имкониятларини излаш билан банд бўламиз. Айниқса, ёш ўқитувчилар дарс ўтиш жараёнини яхши ташкил қилиш учун интернет имкониятларидан фойдаланишда анча илғор, — дейди Чилонзор туманидаги 181-мактабнинг рус тили ўқитувчиси Салтанат Табинбоева.

Ўқитувчиларнинг иш юкласини қайтадан таҳрир қилиниб, мазмунан бир-бирига яқин бўлган бўлимлар, уларнинг таркибидаги йўналишлар қисқартирилди ва уйғунлаштирилди. Талаб қилинадиган ҳужжатларнинг кескин қисқартирилиши педагогларда масъулиятсизликни келтириб чиқармайдими, деган савол туғилиши мумкин.

— Бугунги кундаги асосий вазифамиз ва олдимизда турган мақсадимиз таълим-тарбиyani сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришдан иборат, — деди биз билан суҳбатда ХТВ мутахассиси М.Ваҳобов. — Ўқитувчиларнинг йиллик иш режалари бажарилиши устидан директорнинг ўқув-тарбия ишлари бўйича ўринбосари умумий назорат олиб боради. Агар ўқитувчининг иш режаси бажарилмаган бўлса, сабаби аниқланади ва унга нисбатан меҳнат қонунчилигида белгиланган тартибда интизомий чора кўрилади. Бу ўқитувчиларнинг асосий фаолиятини дарсларни сифатли ўтишга қаратиш машғулотларга пухта тайёргарлик кўришлари учун яхши шароит ва имкониятлар яратади.

Ғолиб БАҲРОМОВ,
«Ma'rifat» мухбири

ЎҚИТУВЧИ ИШ ЮКЛАМАСИ:

ҲИСОБОТЛАР ТАРТИБГА СОЛИНДИ

— Очиғи, ўтган ўқув йилида кўпинча ҳисоб-китоб билан банд бўлиб қолган эдик. Ҳар кунги иш соатларини қайд қилиб, изоҳлаб бориш талаб қилинарди. Эндиликда ўқувчиларга кўпроқ вақт ажратаямиз, — дейди Учтепа туманидаги 283-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Умида Низомутдинова. — «Фалон куни, мана шу соатда фалончига фалон нарсани ўргатдим, ундай дедим, бундай қилдим...» каби ортиқча тафсилотлар ва ҳисоботлар кўпинча ўқитувчининг вақтини ўғирлаши аён. Тўғри, аслида ушбу ишларни бажариш ўқитувчининг кундалик юмуши. Аммо ўз вазифасини доимий бажариб борадиган ўқитувчи кунлик ишини якунлагач, эртанги кун вазифаларига тайёргарлик кўриш ўрнига бажарган ишлари ҳисоботига эътибор

даги ўқувчиларнинг ўзлаштириш ҳолатидан келиб чиқиб, улар билан эркин ишлаш имконига эга бўлди.

Дарҳақиқат, қайси бир ўқитувчи билан шу мавзуда суҳбатлашманг, уларни таълим мақсадидан чалғитадиган ортиқча ҳисоботлардан озод қилинганидан мамнун эканликларига шохид бўласиз. Олдинги ўқитувчининг иш ҳужжатларини юритиш тартиби мураккаблигидан баъзан ўқитувчилар бир-бирларидан кўчириш ҳолатлари ҳам бўлганлигини яширмадилар.

Ўқитувчи меҳнатини тартибга солиш ҳамда иш юритиш маданиятини юксалтиришда унинг йиллик иш юкламаси асосида фаолият олиб бориши ўзига хос аҳамият касб этади. Бунинг учун иш юкламаси ҳар томонлама пухта тузилиши, зарур жиҳатларни ўзига қам-

чилар бажарилган ишлар хусусида ҳар ойда ўқув-тарбия ишлари бўйича директор ўринбосарига маълумот ва ҳисоботлар тақдим этарди. Бунинг учун улар 18та дафтар юритиб, ҳар бир ҳаракатини қайд этиши, асословчи ҳужжатларни тўплаши ва ҳисоботлар тайёрлаши лозим эди. Оқибатда эса, турган гапки, асосий вақт ана шу ортиқча ҳисоботларни юритишга кетарди.

— Таълим тараққиётдан олдинда юриши керак. Шу маънода бугунги педагог ўз устида тинмай ишлаш, касбий камолот даражасини юксалтириб боришга мажбур. Ўқитувчи доимо изланиши, маҳоратли устоз ўқитувчилар, методистлар билан мулоҳаза алмашиши, турли кўшимча имкониятлардан фойдаланиши, хусусан, ахборот-ресурс марказларига бориб, зарурий маъ-

«СЕҲРЛИ ЁҒДУ» ИЖОДКОР ЁШЛАРНИ КАШФ ЭТДИ



Ўқувчи-ёшлар ўртасидаги «Сеҳрли ёғду» республика киноҳаваскор болалар фестивалининг якунланиши муносабати билан «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши биносида катта тадбир бўлиб ўтди.

— «Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида ўтказиб келинаётган анъанавий фестивал ёш иқтидорларни аниқлаш, айниқса, кино санъатининг янада гуллаб-яшнашида ҳисса қўша оладиган ёш ижодкорларни тарбиялашни кўзда тутди. Энг муҳими, болалар суратга олган кино сюжетлари орқали уларнинг беғубор туйғулари, гоё ва истаклари, шунингдек, атроф-муҳитга бўлган муносабатини англашимиз мумкин. Турли вилоятдан келган иштирокчилар пойтахтимизнинг кўркам жойлари билан танишиб, кўпгина дўстлар орттиришди, — дейди республика ўқувчилар техник ижодиёт маркази директори Хадича Зокирова.

Фестивалнинг якуний натижаларига кўра, Шеробод туманидаги 49-мактаб ўқувчиси Хуршид Бўриев, Жиззах шаҳридаги 16-мактаб ўқувчиси Аҳрор Абилов ҳамда Самарқанд туманидаги 34-мактаб ўқувчиси Тоҳир Ҳамдамов турли йўналишлар бўйича Гран-при соҳиби бўлишди.

Моҳичеҳра ЛАТИПОВА,
«Ma'rifat» мухбири
Владимир ГРАНКИН олган сурат.

ЯКИНДА ПОЙТАХТИМИЗДА БЎЛИБ ЎТГАН VI ХАЛҚАРО ЎЗБЕКИСТОН ПАХТА ЯРМАРКАСИДА ЖАҲОНДАГИ 36 ДАВЛАТНИНГ 300ГА ЯКИН ФИРМА ВА КОМПАНИЯСИДАН 600 НАФАРДАН ОРТИҚ ВАКИЛ ИШТИРОК ЭТДИ.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, «Ўзпахтасаноат» уюшмаси ва «Сифат» маркази ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур ярмаркада 650 минг тоннадан ортиқроқ пахта толасини сотиб олиш бўйича шартнома ва битимлар тузилди.

ТЕМУРИЙЛАР ТАРИХИ ДАВЛАТ МУЗЕЙИДА БЎЛИБ ЎТГАН ЁШ ОЛИМЛАРНИНГ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ СЕМИНАРИДА ЮРТИМИЗ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИНИНГ МАГИСТРАТУРА ВА АСПИРАНТУРА БОСҚИЧЛАРИДА ТАҲСИЛ ОЛАЁТГАН ТАЛАБАЛАР ТАЖРИБА АЛМАШИШ ИМКОНЯТИГА ЭГА БЎЛДИЛАР.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Фанлар академияси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда олимлар, ёш тадқиқотчилар ва талабалар иштирок этди.

— Анжуманда тарихий ёдгорликларимизни акс эттирувчи замонавий ахборот дастурларини яратишга бағишланган маърузам билан иштирок этдим, — дейди Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти талабаси Мухлиса Абдураззоқова. — Тадбирда тенгдошларимнинг ҳам тадқиқот ишлари билан яқиндан танишдим.

НАВОИЙ ВИЛОЯТ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИГА ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ ТОМОНИДАН 35 КОМПЛЕКТ ЯНГИ КОМПЬЮТЕР ТЕХНИКАСИ ТАҚДИМ ЭТИЛДИ.

Компьютерлар ҳар бир туман ва шаҳар ХТБларига етказилиб, улар локал ва корпоратив тармоққа уланганидан сўнг тизимда ички қоғоз ҳужжатлар алмашинуви қисқариб, электрон алоқа қамрови кенгайди. Бу эса иш унумдорлиги ошишига хизмат қилиши, шубҳасиз.

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИДАГИ 62ТА УМУМТАЪЛИМ МАКТАБИДА 2010 ЙИЛНИНГ ШУ ДАВРИГА ҚАДАР КОМПЬЮТЕР СИНФЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛИБ, УЛАР ИНТЕРНЕТГА УЛАНДИ.

«Баркамол авлод йили» Давлат дастурига мувофиқ, «Умумтаълим мактабларини ахборотлаштириш» лойиҳаси доирасида амалга оширилган ушбу тадбирга 694,4 минг АҚШ доллари миқдорига маблағ сарфланди.

РЕСПУБЛИКА БАЙНАЛМИЛЛАТ МАДАНИЯТ МАРКАЗИ, ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА МИЛЛИЙ МАРКАЗ, ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ, «ТАСВИРИЙ ОЙИНА» ИЖОДИЙ УЮШМАСИ ХАМКОРЛИГИДА УЮШТИРИЛГАН НАВБАТДАГИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН «КЎП МИЛЛАТЛИ ЎЗБЕКИСТОН: ТИНЧЛИК, БАРҚАРОРЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ» ДЕБ НОМЛАНДИ.

Анжуманда Президентимизнинг БМТ саммити Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисида сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган хулоса ва вазифалар таҳлил қилиниб, Марказий Осиё минтақасида тинчликни мустаҳкамлаш, Афғонистондаги беқарорликларни бартараф этиш, Орол денгизи билан боғлиқ экологик вазиятни яхшилаш масалалари юзасидан фикр-мулоҳазалар муҳокама этилди.

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ШЎРЧИ ТУМАНИДА ЯНГИ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖИ Фойдаланишга топширилди.

Оққўрғон қишлоғида қад ростлаган ушбу коллеж қурилиши учун 2 миллиард 143 миллион сўм маблағ сарфланди. Касб-хунар коллежида ёшларга олти йўналиш бўйича таълим берилади.

ЯКИНДА ЯНГИ БИНОСИ Фойдаланишга топширилган Жиззах шаҳридаги 1-БОЛАЛАР МУСИҚА ВА САНЪАТ МАКТАБИДА ФОРТЕПИАНО, ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ – РУБОБ, ДОИРА, ДУТОР, ЧАНГ, ГИЖЖАК, ТАНБУР ИЖРОЧИЛИГИ, ЭСТРАДА, ТАСВИРИЙ САНЪАТ КАБИ ЙИГИРМАНДАН ЗИЁД Йўналишга қизиқиши бор 200 НАФАРГА ЯКИН Ўғил-қиз МУСИҚА ВА САНЪАТ Сирларини ўрганаётир.

Шаҳар марказида қад ростлаган ушбу икки қаватли мухташам бинода 75 синф хонаси, 200 ўринли концерт зали, хореография, оркестр ўқув заллари мавжуд. Ўқув жиҳозлари ҳам тўлиқ янгиланган муассасада мукамал билим олиш учун имкониятлар ҳам кенгайди.



ФРАНЦИЯ МАДАНИЯТ МАРКАЗИ ТОМОНИДАН ТАШКИЛ ЭТИЛГАН «ФРАНЦИЯГА БОРАМИЗ» ИНШОЛАР ТАНЛОВИДА ШАҲНОЗА ВИДЕО ЎЙИНЛАРНИНГ ИЖОБИЙ ВА САЛБИЙ ЖИҲАТЛАРИНИ ТАҲЛИЛ ЭТИБ, ПЕДАГОГИКА БИЛАН УЙҒУНЛАШТИРИБ, САМАРАДОРЛИКНИ ОШИРИШ ХУСУСИДА ЎЗ ТАКЛИФЛАРИНИ БАЁН ЭТДИ.

Унинг ушбу фикрлари ташкилотчилар эътиборига тушди ва фаранглар юртига саёҳат учун бериладиган йўлланмага эга бўлди.

— Фан олимпиадасида фахрли учинчи ўринни кўлга киритиб, имтиёзли равишда талаба бўлганлигим хорижлик тенгдошларимни ҳайратда қолдирди, — дейди ЎзДЖТУ талабаси Шаҳноза Казакова. — Чунки бошқа ҳеч бир мамлакатда бундай имтиёз йўқ экан. Эгнимдаги миллий либосимиз ҳам уларнинг ҳайратини яна бир карра оширди.

О.СИДДИҚОВ

УЧТЕПА ТУМАНИДАГИ 193-ДАВЛАТ ИХТИСОСЛАШГАН УМУМТАЪЛИМ МАКТАБИДА ШОИР АЗИМ СУЮН ИШТИРОКИДА «ВАТАН МЕҲРИ БИРЛАШТИРАДИ БИЗНИ» МАВЗУСИДА АДАБИЙ УЧРАШУВ БЎЛИБ ЎТДИ.

Она тили ва адабиёт фани ойлиги доирасида ўтказилган кечада ўқувчилар ижодкор қаламига мансуб шеърлардан ёд ўқишди. Тадбир давомида шоир даврада жам бўлган мухлислари саволларига жавоб берар экан, Нурота тоғлари бағрида ўтган болалиқ хотиралари билан ўртоқлашди. Ўша пайтлардаёқ халқ оғзаки ижодига меҳр қўйгани, «Менинг осмоним» (шоирнинг илк шеърий тўплами)дан бошлаб чоп этилган кўплаб китоблари, ижодий фаолияти тўғрисида сўзлади.

Шоҳсанам НИЁЗОВА,
ЎзДЖТУ талабаси

СОБИР РАҲИМОВ ТУМАНИДАГИ 326-ХАЛҚ АМАЛИЙ САНЪАТИ МАКТАБИДА «ЯНГИ АВЛОД» РЕСПУБЛИКА БОЛАЛАР ИЖОДИЁТИ ФЕСТИВАЛИНИНГ ТУМАН БОСҚИЧИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Халқ таълими вазирлиги ҳамда туман «Камолот» ЁИХ ҳамкорлигида ташкил этилган фестивал иқтидорли болаларни излаб топиб, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ўз истеъдод ва маҳоратларини намоён қилишлари учун имконият яратиш, ёш авлоднинг маънавий оламини бойитиш, миллий санъат аънаналари ва йўналишларини сақлаб қолиш ва ривожлантириш мақсадида ҳар йили аънавий тарзда ўтказиб келинмоқда.

Танлов натижаларига кўра, 315-умумтаълим мактаби ўқувчиси Муслима Маҳмудова либос дизайни, 243-мактаб ўқувчиси Абдулло Холмаҳматов тасвирий санъат, 159-мактаб ўқувчиси Мафтуна Расулова ва Хосият Мирзалиевалар амалий безак санъати бўйича голиб деб топилди, фестивалнинг кейинги босқичига йўлланмани кўлга киритишди.

Камола АҲМЕДОВА

ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ ИЖОДКОРЛАР УЮШМАСИ АЪЗОСИ, РАССОМ ОРИФ МУИНОВНИНГ «ДЕЛ ҚАЛБИГА ЙЎЛ» НОМЛИ ШАХСИЙ КЎРГАЗМАСИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

Кўرғазмага келган тасвирий санъат шайдолари рассомнинг ижодий фаолияти рангбаранг эканлиги, унда аёллар образи етакчи ўрин эгаллашини эътироф этишди.

— Рассом асарларини кузатиб, у кўпроқ тарихий шахсларга эътибор қаратиши, инсонларнинг ички ва ташқи оламидаги ўзаро мутаносибликни акс эттиришга ҳаракат қилганлиги ва интилишлари натижасида асар қаҳрамонининг кучли ҳиссиётини тасвирлай олганлигининг гувоҳи бўлдик, — дейди ўз таассуротлари ҳақида Н.Маҳмудова.

Хулкар ҒАФФОРОВА



ЧИЛОНЗОР ТУМАНИДАГИ 4-САНАТОРИЯ ТИПИДАГИ МАКТАБ-ИНТЕРНАТИДА «ОКТАБРЬ – ФИЛОЛОГИЯ Йўналишидаги Фанлар ойлиги» ЮҚОРИ САВИЯДА ТАШКИЛЛАШТИРИЛМОҚДА.

Ойликнинг биринчи ўн кунлигида фан юзасидан тест синовлари ўтказилган бўлса, иккинчи босқичида очиқ дарслар ташкил этилди. Хусусан, ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Барно Бурҳонованинг 8-синфларда бўлиб ўтган «Ўзбекистон — менинг ватаним» мавзусида очиқ дарсларида ўқувчилар фаол иштирок этишди.

Илғор педагогик технологиялар асосида бўлиб ўтган шу каби дарслар мактаб-интернатда тез-тез ташкиллаштирилиб турилади. Бундан ташқари, фан ойлиги юзасидан бадий кечалар, турли хил тадбирлар ўтказиш аънамага айланган.

Бурҳон РИЗОКУЛОВ
олган сурат.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Худуди беш минг гектарга ёйилиб кетган Сармишсой табиий-археологик мажмуа музей-қўриқхонасида 2002 йилдан буён Республика Фанлар академияси Археология институтининг Самарқанд бўлимининг илмий ходимлари ҳамда «Норвегия атроф-муҳитни муҳофаза қилиш вазирлиги маданий мерос Директоранти»нинг мутахассис олимлари ҳамкорликда маданий ёдгорликларни ўрганиш юзасидан илмий тадқиқот ишлари олиб боришмоқда. Шу йиллар давомида бир неча бор Сармишсой табиий-археологик мажмуа музейи қўриқхонаси петроглифлари фото суратлари кўрғазмаси республикамизнинг Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Навоий шаҳарларида, шунингдек, Франция, Польша, Япония, Германия каби давлатларда намойиш этилди. 2008 йили Қирғизистон Республикасининг Бишкек шаҳрида ЮНЕСКО томонидан ташкил этилган «Марказий Осиё петроглифлари — Бутунжаҳон мероси номзодлиги рўйхати чегаралараро тизими»га киритиш мавзусидаги халқаро илмий анжуманда, жумладан, Сармишсой табиий-археологик мажмуа музейи қўриқхонасининг ҳам тақдироти бўлиб ўтди. Жорий йилда эса Навоий вилоят ҳокимлиги ва Ўзбекистон Экологик ҳаракати ҳамкорлигида замонавий, ри-

қоятош суратлари мундарижасининг бойлиги, мавзулар кўламининг кенглиги, ҳар бирининг кенг ва атрофлича пухтали билан очиб берилиши, миқдори кўплиги ва сифати юқорилиги билан санъат асарлари даражасига кўтарилган.

— Сармишсой водийсида ҳаёт бир неча минг йиллар олдин, яъни ўрта палеолит даврида бошланганлиги бизга археологик топилмалар орқали маълум, — дейди Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Археология институтининг етакчи илмий ходими, тарих фанлари номзоди Муҳиддин Хўжаназаров. — Лекин бу ерда ҳаётнинг узлуксиз давом этиши неолит даври (миллоддан аввалги VI-IV минг йиллик)дан бошланади. Бу даврда Қизилқумда яшаган калтаминор маданиятига тааллуқли уруғларнинг баъзилари Сармишсойга келиб жойлашган. Улар ов қилиш баробарида чорвачиликка ҳам асос солишган. Бу ҳақда бизга Сармишсойдан топилган 5000дан ортиқ расмлар ҳикоя қилади. Уларни археологлар 15 гуруҳга бўлиб ўрганган. Қоятош расмлари энг қимматли тарихий манба, тошга битилган йилнома ва ажайиб санъат асарларидир. Тасвирлар ўзининг мазмунли ифода этилган манзаралари билан Ўзбекистонда, қолаверса Марказий Осиёда энг кўзга кўринган шу хилдаги ёдгорликлардандир.

дарадаги олти юздан ортиқ йўқолиб кетиш эҳтимоли катта бўлган гиёҳларни сақлаб қолиш мақсадида йўлу йўлқалар бўйлаб «Эҳтиёт бўлинг», «Илон», «Босманг» каби маъноларни англатувчи кўрсаткичлар тайёрлаб, ўрнатиб чиқди. У биз билан суҳбатлаша туриб поляк тилида чоп этилган «Археолог» журналининг кўлига олар экан, нашрнинг махсус сони Сармишсой ёдгорликлари мавзусига бағишланганини гуруҳ билан қайд этади. Биз олимнинг бу хислатлари хусусида бежиз сўз очмадик; диёримизда ҳали ана шундай бизнинг меҳримиз ва фидойчилигимиз билан ўрганилиши, биз олтин занжир мисол елка тутиб уйғоқ қалб, ёниқ юрак билан авлодларимизга етказмоғимиз зарур бўлган тарихий битиклар жуда кўп. Лекин афсуски, айримларимиз бу бурчдорлик туйғусини ҳис этиш ўрнига, борини асраш, авайлашга ҳам ўзимизда маънавий қарашни шакллантира олмаймиз. Жонкуяр олимнинг заҳматли меҳнатлари ибрат вазифасини ҳам ўтайди.

— Тошлар табиий таъсирлар натижасида емирилади, — дея сўзида давом этади М.Хўжаназаров. — Ёгингарчиликлар туфайли намаланган тошларга мохлишайниклар ёпишади. Профессор Омонназар Қудратов ёрдамида мохлишайникларнинг Сармишсой тошларида 88 тури мавжуд эканини аниқлади.

рининг устига бошқаси урилган бир неча қатламли расмлар ҳам учрайди. Улар бир-биридан чизилиш услуби, қуёш нурида қорайиши билан фарқ қилади. Бу эса расмларнинг қайси даврда қизилганлигини аниқлашга қисман ёрдам беради.

Тик қоятошлар худди очилаётган китоб саҳифаларини эслатади. Лекин уларнинг усти мохлишайниклар билан қоплангани боис кўриш қийин, қайсики суратларнинг усти очик бўлса, уларни узоқдан ҳам томоша қилиш мумкин. Баъзи қадимий расмларнинг сирти қайтадан уриб чиқилгани боис, кейинги давр расмлари сингари ярқираб кўринади. Фақатгина тўққизинчи гуруҳ петроглифлари ичида Сармишсойдаги энг катта ва қадимий буқа-тур расми мавжуд, лекин тасвир шунчалар қорайиб кетганки, унга синчиқлаб қаралмаса, илғаб олиш мушкул. Қояларнинг бирида туялар қарвони акс эттирилган, лекин бу тасвирни ҳар доим ҳам кўриб бўлмайди. Уларни қуёш нурлари қоя сиртига қия тушган пайтдагина кўриш мумкин. Шунинг учун ҳам бу тасвирлар «Сехрли расм»лар номи билан олган. Домла тилга олган бу мўъжизавий ҳолатга Сармишсойда бўлган кунни ўзимиз ҳам гувоҳ бўлдик: қояга қуёш қия тушганида тошлар кўзгу мисол ялтираб тасвирлар бўртиб кўринар, бу эса аждодларимизнинг зукколиги ва маҳорати, расмлар ҳатто табиатнинг ҳаракатларига монанд тарзда ўткир зехн ва идрок билан ишланганидан далолат беради. Бугун миллий меъморчилигимизнинг юксак санъат даражасига кўтарилишининг илдизлари ана шу битикларга бориб туташмасмикан, деган гуруҳ билан қуёш — тош — қузатувчи уйғунлигида бетакрор ва беназир ифодаларни топгандек бўлдик.

Сармишсой расмлари орасида ягона бўлган икки от тортаётган тўрт гилдиракли юк араваси, ёнида одам ва от нозик дид билан ишланган петроглиф мазор кўрғонлари жойлашган жанубий ёнбағирдаги тошларда учровчи энг нодир тасвирлардан саналади. Қояларнинг бирида одамлар, ҳайвон, ярим айлана шаклидаги 12 нури жисм акс эттирилган. Унда одамлар тик турган ёки чўккалаган ҳолда қизилган. Уларнинг оғиз ва бурунларида тўсиқ бўлиб, у илохий оловни ифлослантиришининг олдини олиш учун кийиладиган жисмини эслатади.

Қадимги чизгилар қоп-қора қатлам билан қопланган, энг қадимилари кейинги даврларда янгиланган. Кўп расмлар соя услубида маҳорат билан ишланган...

Сармишсой қоятош суратларини бир тасвирни томоша қилгандек, ўлтишдошлар маҳоратига лол қолгудек қарашлар билангина қузатиб бўлмайди. Битикларнинг ҳар бирида ифодаланган, чизгилар орқали баён этилган аждодларимизнинг яшаш тарзи, ҳаётларидаги янгилиниш ва ўзгаришлар, катта-кичик ижтимоий ҳодисаларни ўқий билмоқ керак. Тасвирлар дунёда ёввойи оламни хонақилиштиришдек тараққиётнинг босқичлари Сармишсойда амалга оширилганини далиллади. Уйинга тушаётган эркак ва аёл ҳолатининг ифодаланишида ритмик оҳангларга монанд қўл, оёқ ҳаракатларини ўқий билмоқ мумкинки, бу мусиқа маданияти, санъатидан аждодларимизнинг нечоғлик воқифлигини далолатдир.

— Мен рангтаъсир санъатидан озгина бўлса-да, бохабар инсон сифатида қоятошлардаги битикларни энг моҳир мўйқалам соҳиби ҳам бунчалар жонли, ҳаётий тарзда қоғозга кўчириши жуда қийин деб, ҳисоблайман, — дейди юғуриб кетаётган йиртқич ҳайвонларнинг бир-биридан гўзал ифодаси, уларни отишга чоғланиб турган паҳлавоннинг нигоҳларидаги ишонч, мўлжали аниқлигининг тошга кўчган аксини қайта-қайта синчковлик билан кузатар экан Навоий давлат педагогика институтининг ўқитувчиси Сами Қўлдошов. — Миниаюра санъатининг ноёб нусхаларини ана шу тоғу тошлардаги битиклардан топмоқ мумкин. Тасвирлар аждодларимизнинг моҳир овчи ва мерган, зийрак ва топқир, эпчил ва чаққон, илм ва маҳорат эгаси бўлганлари, ўз маданияти ва санъатига, қадриятларига ҳурмат, эътиқод билан қараганларини кўрсатади. Жониворлар бутун вужудидида галаёнлар, куч-қуввати, ваҳшийлиги ёхуд ҳаракатларидаги нафислик ва назокатгача, ана қаранг-а, отларнинг туёқларидан чақнаб турган ўт бориша тошларга кўчирилганки, бу ҳеч бир тасодиф эмас, балки катта истеъдод маҳсулидир.

(Давоми 16-бетда.)

ОЧИҚ ОСМОН (Эссе) ОСТИДАГИ ЖИТОҒ

ёхуд тошларга битилган йилнома таърифи

вожланган, халқаро музейшунослик тажрибаси ва мавжуд қонун-қоидаларга асосан мазкур худудда туристик база ва «Ташрифгоҳ» қурилиши лойиҳаси тайёрлашга киришилди, шу аснода кўприк бунёд этилди... Шунингдек, ЮНЕСКО ва унинг Самарқанддаги Марказий Осиё тадқиқотлари институти томонидан ташкил этилган илмий анжуман иштирокчиларининг Сармишсойга ташриф буюриши бу масканга хорижий ва маҳаллий сайёҳлар қизиқишининг ортиб бораётгани, том маънода тошларга битилган тарих — бус-бутунлигича очик осмон остидаги музейга жамланганини далилламоқда. Мутахассислар томонидан Сармишсой қоятош расмлари қадимги авлодларимиз яратган йирик маънавий бойлигимиз эканлиги, уларни келажақ насларга бутунлигича етказиш лозимлиги эътироф этилиб, ЮНЕСКО Бутунжаҳон мероси рўйхатига киритиш учун ҳужжатлар тайёрлаш ишлари давом эттирилмоқда.

... Табиатнинг ўзи меъмор, ўзи тарихчи, ўзи санъаткор. Сойнинг икки томонидаги тоғларнинг гўё бир-бири томон эгилгансимон, ҳар бир тошининг моҳир уста томонидан тарошланиб, сайқал берилгани мисол ўзгача бир маъно кашф этганини кўриб бу таърифи давом эттирмасдан илоҳингиз йўқ!

— Сармишсой Навоий вилояти худудидаги Қоратог'нинг жанубий ён бағрида жойлашган бўлиб, мазкур тоғ қўшниси тизмалар билан бирга Олой-Туркистон тоғларининг энг чекка гарбий тармоқларини ташкил этади, — дейди мажмуа музейи раҳбари Рамазон Эгамов. — Тоғнинг жанубий ёнбағрида Зарафшон воҳаси, ғарб ва шимоли-ғарб томонида Қизилқум чўли ястаниб ётади. Айтишларича, «Сармиш» сўзи «Сармуш» атамасидан келиб чиққан. Яъни сар — форсча «бош» ёки «бошланиш», «муш» эса «ҳид» деган маъноларни англатади. Бу ердаги табиат, ўт-ўланларнинг хуш бўйи сойнинг «Сармуш» деб аталишига сабаб бўлган экан. Шунингдек, сойнинг «Булоқбоши», «Сармиш» сингари таърифлар билан боғлиқлиги хусусида ҳам фикрлар бор. Ўтган асрнинг ўттизинчи-қирқинчи йиллари мазкур худудда учта кишлоқ аҳолиси рўйхатга олинган. Кейинчалик улар ҳозирги Навбахор туманининг Вауш, «Учтут», «Ижонд» хўжаликлари худудига кўчиб ўтиб, янги ерларни ўзлаштиришади.

Мутахассисларнинг фикрича, дунёда ана шундай ўтмишининг ўқилмаган саҳифаларидан, ҳикоялар сўзловчи қоятош битиклари талайгина. Лекин Сармишсой табиий-археологик мажмуа музейи қўриқхонаси худудидаги

Шу нуқтада мавзумиздан озгина чекиниб инсонда жам бўлмоғи керак бўлган фидойилик фазилатининг жамият, башарият тараққиёти, жумладан, Ватан, юртининг миллий ва маънавий қадриятлари, тарихи, унинг қатларидаги аждодларимиз заковати маҳсулини қадрлаш, ундан фахрланиш ҳиссини туйиш ва бу туйғуни қалблардан қалбларга узатиш, дунё сахнида кўз-кўз эта билмоққа уринишлар нечоғли катта аҳамият касб этмоғи хусусида тўхталиб ўтишни лозим топдик. Негаки, юқорида айтиб ўтганимиздек, Сармишсойдаги бу ноёб ёдгорликларнинг тарихи неча минг йилларга бориб туташади. Ҳўш, нега биз уни юз, икки юз, боринги элик йил бурун оламга овоза этиб, «Мана бу авлодларимизнинг юксак тафаккуридан бир нишона...» дея жаҳон аҳлининг эътиборини тарта билмадик?! Эҳтимол, бунинг учун муҳит, биз таърифлаган фидойилик етишмагандир. Истиклол ана шу имкониятни берди. Қолгани эса бизнинг жонкуярлигимиз, фидойилигимизга боғлиқ! Илк бор мазкур тошбитикларга дахлдор илмий изланишлар олиб борган олим Абдужаббор Кабировдан сўнг у бошлаган эзгу амалларни давом эттириш масъулиятини Муҳиддин Хўжаназаров ўз зиммасига олди. У беш мингдан ортиқ суратларнинг ҳар бирини қайта-қайталаб ҳижжалаб ўрганди. Домла ана шу муҳаббат билан турли даврлар, таъбир жоиз бўлса, қадимий ботаника, зоология, география, тасвирий санъат илми, аждодларимизнинг турмуш тарзи, маданияти, ҳайвонот ва наботот олаmidан ҳикоялар сўзлагучи петроглифлар бутун дунё халқларининг ёдгорлиги эканини илмий жиҳатдан асослашга уринди. Халқаро анжуманларда маърузалар қилди, мақолалар ёзди. Ўзбек, рус, инглиз тилларида китоблар чоп эттириб, тошлардаги тасвирларнинг мазмун-моҳиятини кўпчиликлари етказиш, мамлакатимиз ва хориждан келган сайёҳларга ҳамроҳлик қилиб ўзи харитасини тайёрлаган Ўзбекистондаги яна ўн бешдан ортиқ тошбитиклар жамланган масканлар борлиги, улардан ҳар жиҳатдан бой ва қадимийси Сармишсой петроглифлари эканини завқ ва гурур билан сўзлаб беришдан эринмайди. Ёшлар даврасида маънавий меросимизнинг қадр-қиммати, моҳияти хусусида чиқишлар қилади. Унинг фикрича, тарих сабоқларини шу ерда ташкил этмоқ ўқувчиларнинг фанга қизиқишини орттириши баробарида, кўнгилларида ватанпарварлик, ифтихор туйғуларини юксалтиришга хизмат қилади. Олим нафақат тошдаги қадимий чизгилар, ҳатто

Айни кунда япониялик мутахассислар кўмагида уларга қарши кураш олиб борилапти. Норвегиялик, поляк дўстларимиз бу борада ёрдамлашмоқчи. Лекин биз инсонларнинг кўр-кўрона муносабатларимиз таъсиридаги йўқотишлар бундан зиёда бўлмоқда... Дарҳақиқат, компьютер хотирасига жамланган расмлардаги тошларнинг ҳолатини кузатиб, ўзимиз ҳам бунга амин бўламиз: кимлардир тошга исм-шарифини битган. Яна кимлардир эринмай тошга тош ёхуд темир қурол воситасида турли «чизма»лар тортган. Кимлардир ҳатто тасвирнинг бир бўлагини синдириб, тошдан қайсидир мақсадда фойдаланиш учун олиб кетган... Бу реставраторларга анча мушкулот туғдирмоқда. Улар мутахассислар кўмагида тошининг химиявий таркибини ўрганиб, қадимий чизмаларга зарар етказмаган ҳолатда «тозалаш» ишларини олиб боришмоқда.

— Маҳаллий аҳоли қадим замонлардан бошлаб бу тошларда қандайдир илоҳий, сехрли куч борлигига ишониб келган. Ҳатто қояларга қўл текизишга рухсат берилмаган, Сармишсой сувларида Нурота балиқлари каби (русча маринка) балиқлар сузиб юрган. Улар муқаддас ҳисобланган, — яна тарих саҳифаларини варақлайди олим. — X-XIV гуруҳ тош расмлари жойлашган «Лайлак оғзи» дея аталган жойдан Чамбарқўрғонгача бўлган ерда катта боғ бўлиб, унда мевали ва манзарали дарахтлар кўп бўлган. Айниқса, Сармиш ўриклари жуда юқори баҳоланган.

Энди бевосита Сармишсой петроглифлари хусусида тўхталсак, уларнинг тури, мазмуни, ишланиш техникаси, услуби, катта-кичиклиги бир-биридан фарқ қилади. Тасвирларнинг даври ҳам ҳар хиллигини бир неча далиллар билан изоҳлаш мумкин: тош ва бронза даври расмлари жуда жонли, ҳаракатчан ҳолатда кўрсатилган. Бундай тасвирларга ибтидоий буқа турлари, тоғ такалари ва уларни ов қилиш манзараларини киритиш мумкин. Шунинг қайд этиш жоизки, овчилар куч-қудрат тизмоларида паҳлавон сиймосида тасвирланган. Эътибор берсангиз, турли афсоналарда ҳам халқ қаҳармонлари: Алпомиш, Гўрўғлида ана шундай ботир, энгилмас баҳодирлар сифатида талқин этилган. Бунда бир уйғунлик, авлодлар орзу-ҳавасларининг улғуворлиги, муштараклигини кўриш мумкин. Сак-скиф даври расмлари эса ихчам, «ҳайвон» услубида тасвирланган. Урта асрларга тааллуқли битиклар асосан уй эчкилари, от, эшак, итлар ва бошқа уй ҳайвонларидан иборат.

Сармишсойда турли даврларда би-

Bir soatlik dars

SIFATLARNING YASALISHI

6-sinf

Darsning ta'limiy maqsadi: sifatning yasalishi, sifat yasovchi qo'shimchalar haqida ma'lumot berish.

Tarbiyaviy: o'quvchilarda oilaga va ona tabiatga mehr-muhabbat tuyg'usini uyg'otish, insonparvarlik xususiyatlarini shakllantirish.

Rivojlantiruvchi: o'quvchilarning og'zaki va yozma nutqini o'stirish, ijodiy qobiliyatlarini rivojlantirish, erkin fikrlashga, muammoli vaziyatlar yechimini topishga o'rgatish.

Darsning jhozi: sinf taxtasi, darslik, elektron darslik, rangli rasmlar, yelimli qog'oz, skotch, flomaster, gul, kompyuter.

Darsning usuli: aqliy hujum, "Zanjir" o'yini, ko'rsatkichlar, muammoli vaziyat, "O'yla, izla, top" o'yini.

Mashg'ulot "Bahor vals" kuyi bilan boshlanadi. Salomlashilgandan so'ng, uyga vazifa tekshiriladi. "Tong" mavzusidagi matnni o'qib berish bilan dars davom etadi.

Tong.

Tonggi shudring, tonggi shabada, tonggi shabnam — soflik ramzi. Quyosh nurlarining porlab turishi hayotning yer yuzida davom etayotganidan darak beruvchi elchidir. Maysalarning, gullarning, barglarning ustiga tushgan shudring tomchilari olmos kabi yaltirab, ko'ngilni shod etadi...

O'quvchilar matnni diqqat bilan eshitib, matnda keltirilgan sifatlarni eslab qolishga harakat qiladi. Matnni tuzishda ijodkorlik bilan yondashib, badiiy so'z san'atidan mohirlik bilan foydalana olgan va matndagi sifatlarni yaxshi eslab qolgan o'quvchilar rag'batlantiriladi.

"Aqliy hujum" metodi.

Sinf o'quvchilari bunda guruhlariga bo'linadi, o'tilgan mavzular yuzasidan har bir guruhga 2-tadan savol beriladi. Savollar quyidagilar bo'lishi mumkin:

(1-guruh "Gulg'uncha"). Qanday so'zlar sifat so'z turkumiga oid bo'ladi?

Sifatlar gapda qanday gap bo'ladi bo'lib keladi?

(2-guruh "Navnihol"). Sifatlar qaysi so'z turkumiga bog'lanadi?

Mustaqil so'zlar bilan yordamchi so'zlar qanday farqlanadi?

(3-guruh "Qaldirg'och"). Sifatlar qanday so'roqlarga javob bo'ladi?

Sifatlarning qanday ma'no turlarini bilasiz?

(4-guruh "Navqiron"). Qanday so'z yasovchi qo'shimchalarni bilasiz?

So'z yasovchi qo'shimchalarning vazifalari nimadan iborat?

(5-guruh "Binafsha"). So'z tarkibi nimalardan iborat bo'ladi?

Qo'shimchalar vazifasiga ko'ra necha turga bo'linadi?

"Aqliy hujum"dan so'ng musobaqada faol qatnashgan o'quvchilar rag'batlantiriladi. G'olib guruh e'lon qilinadi. O'tilgan mavzuni mustahkamlash maqsadida "Zanjir" o'yini o'tkaziladi. Har bir guruh a'zosi o'z ismlarining bosh harfi bilan boshlanadigan sifatlarga misollar topib, gulni bir-birlariga tezkorlik bilan uzatishadi. Ikkilanib qolgan yoki xato aytgan o'quvchi zanjirni uzgan hisoblanadi va o'yindan chetlashtiriladi. 2-o'yin sifatlardan atoqli otlarga o'tgan sifatlarga navbat bilan misollar keltirish.

Yangi mavzu bayoni: muammoli vaziyat paydo qilish bilan boshlanadi. O'quvchilarning qo'llariga yelimli yopishqoq qog'ozga so'z yasovchi

qo'shimchalar yozilgan holda tarqatiladi va doskaga o'tilgan mavzular:
OT - FE'L yoziladi.

O'quvchilarning qo'lidagi so'z yasovchi qo'shimchalar qaysi so'z turkumiga oid bo'lsa, o'sha so'z turkumining tagiga qog'ozda yozilgan so'z yasovchi qo'shimchalar yopishtiriladi. Har ikkalasiga ham mansub bo'lmagan qo'shimchalar doska chetiga yopishtiriladi. Taxminan, doskada shunday ko'rinish hosil bo'ladi:


OT	FE'L	
-don	-la	-li
-dosh	-lan	-dor
-chi	-lash	no-
-bon	-ira	-choq
-boz	-sira	-iq
		-chil

Chetga yopishtirilgan qo'shimchalar qaysi so'z turkumiga oid ekanligi dars so'ngida yechiladi.


Shundan so'ng xatolar bo'lsa, tuzatilib, darslikdagi topshiriqlarga e'tibor qaratiladi.

Topshiriqdagi berilgan so'zlar tarkibiy qismlarga ajratiladi: shirin, oq, katta, shirali, mazmun-dor, ser-unum, kam/hosil, ko'ylak/bop, xush/fe'l. O'quvchilarga sifatlarning yasalishi "slayd" orqali tushuntiriladi.

Sifatlar ikki xil usul bilan yasaladi:



Slaydga — (gulli mato, tadbirkor kishi, serhasham uy, g'amxo'r qiz suhbatlashayotgan holati tasvirlanadi.



guldor mato

serhasham uy




tadbirkor

kishig'amxo'r qiz


O'sha rasmlarga so'z yasovchi qo'shimchalar qo'shib, sifat hosil qilinishi tushuntiriladi. Masalan: mato, tadbirkor kishi, serhasham uy, g'amxo'r so'zlari tarkibi tasnif qilinadi. So'z yasovchi qo'shimchalarning vazifasi, asosga qo'shib, sifat hosil qilishi boshqa so'z turkumlaridan sifatlarning yasalishi tushuntiriladi.

Shu o'rinda shakldosh, ma'nodosh, zid ma'noli qo'shimchalar haqida ham ma'lumot berib o'tiladi.

(Omonim) shakldosh qo'shimchasi



(Sinonim) ma'nodosh qo'shimchalar




(Antonim) zid ma'noli qo'shimchalar



BILIB OLING. Sifatlar tarkibiga ko'ra tub va yasama sifatlarga bo'linadi. Tarkibiy qismlarga bo'linmaydigan sifatlarga tub sifatlarga, asos va so'z yasovchi qismdan iborat bo'lgan sifatlarga esa yasama sifatlarga hisoblanadi. Yasama sifatlarga asosga qo'shimchalar qo'shish yoki so'z qo'shish yo'li bilan hosil qilinadi.

Yangi mavzuni mustahkamlash uchun "328-mashq" yozma bajariladi. To'g'ri va xatosiz bajargan o'quvchilar rag'batlantiriladi. O'zlashtirishga qiyinlangan o'quvchilar o'qituvchining diqqat markazida bo'ladi. Ularga individual yordam ko'rsatiladi. O'quvchilar qo'llarida oldindan tayyorlangan quyidagi:



shakldagi ko'rsatkichlar bo'ladi. O'qituvchi tomonidan aralash o'qilgan sifatlarni (**katta, shirin, chiroyli, odobli, guldor, sariq, oq, serdaromad, qizil, bezarar, kamhosil, bexavotir, badavlat, gapdon, shinam, yaxshi, basavlat, nodon, unumsiz, sho'x, vijdonsiz, tetik, ziyrak, sirdosh, shaxsiy, oddiy, zulmkor, achchiq**) tezlikda tub yoki yasama sifatlarga ajratib, qaysi sifatga oid ekanligini qo'llaridagi ko'rsatkichlar orqali ko'rsatib boradilar. Yuqoridagi ko'rsatkichlar orqali ajratib beradilar. Bu o'yin ham o'qituvchi tomonidan ziyraklik bilan kuzatib boriladi. Faol qatnashgan o'quvchilar rag'batlantiriladi. O'zlashtirishga qiyinlangan o'quvchilar ham o'qituvchi nazaridan chetda qolmasligi kerak. 3-4 martagacha xato qilgan o'quvchiga qo'shimcha topshiriq — tarqatma materiallar beriladi. Ballar yig'ilib, g'olib guruh e'lon qilinadi. Dars so'ngida o'quvchilar bahosi eshittiriladi. Shundan so'ng muammoli vaziyat o'quvchilar bilan birgalikda hal qilinadi, demak, yozuv taxtasi chetiga yopishtirilgan so'z yasovchi qo'shimchalar sifat so'z turkumiga oid ekanligini o'quvchilar o'zlari xulosalab beradi va ajratilgan so'z yasovchi qo'shimchalar tepasiga "Sifat" deb yozib qo'yiladi. Yozuv taxtasida quyidagi ko'rinish hosil bo'ladi.

OT'	FE'L	SIFAT
-don	-la	-li
-dosh	-lan	-dor
-chi	-lash	no-
-bon	-ira	-choq
-boz	-sira	-iq
		-chil

Muammo shu tarzda yechiladi. Darslikdagi 328-mashq yozma daftarda, 330-mashq kompyuterda bajariladi.

Uyga vazifa qilib "329-mashq" beriladi, dars so'ngida baholar eshittirilib, g'olib guruh e'lon qilinadi, faol qatnashgan o'quvchilar rag'batlantiriladi. O'zlashtirishga qiyinlangan o'quvchilar qo'shimcha darsga jalb qilinadi.

Ra'no ABSALOMOVA,
Respublika musiqa va san'atga
ixtisoslashtirilgan maktab-internet
o'qituvchisi

"Аждодлари улуг' юрт фарзандларимиз" шиори остида пойтахтимиздаги 313-мактабда филология йўналишидаги фанлар олимпиадаси ташкил этилмоқда. Унда она тили ва адабиёт фанлари ўқитувчилари томонидан очиқ дарслар, ёзувчи ва шоирлар билан ижодий учрашувлар ташкил этилмоқда. Фан олимпиадаси доирасида ўтказилаётган "Мен севган асар", "Ким чиroyли ва саводли ёзади?" каби танловлар фанларни пухта ўзлаштиришга кўмаклашмоқда. АКТни қўллаган

ҳолда олиб борилган интерфаол усулдаги очиқ дарслар фан ўқитувчиларининг ўқувчиларга янгилик олиб киришида жуда фойдали бўлмоқда.

"Бир оилага 3та китоб" акция-танлови якунида ойлик давомида энг кўп ва мазмунли китоб ўқиган оила (ота-она ва ўқувчи) голиб деб топилди ва фахрий ёрлик ҳамда эсдалик совғалар билан тақдирланади.

Гулистон АЗИМОВА,
Мактабнинг она тили ва адабиёт фанлари метод бирлашмаси раҳбари



Беш ёшли Умида ўйнаб юриб, уйдан узокроққа кетиб қолди. Кўчалар бир-бирига ўхшаш, қайси йўл уни уйига олиб боради? Қизалоқ йиғлашга тушди. Шу ердан ўтиб кетаётган бир амаки унинг ёнига келиб, нега йиғлаётганини сўради.

— Адашиб қолдим, — деди ҳиқиллаб Умида.

— Қаерда турасан?

— Уйимизда.

— Уйларинг қаерда жойлашган?

— ...

— **Аданг ёки ойингнинг телефон рақамини айт-чи, ҳозир кўнги-роқ қилиб уларни чақирамиз.**

Қизалоқ жавоб бериш ўрнига яна-да қаттиқроқ йиғлай бошлади...

Болалар билан боғлиқ бу каби воқеалар билан тез-тез тўқнаш келамиз. Болалар ҳаётининг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ҳар бир ота-она ёки тарбиячи ўзининг имконияти даражасида ҳаракат қилади. Умумий қоидалар барчага аён, бироқ бу, бола ҳаёти хавфсизлиги тўлиқ таъминланди, дегани эмас.

жуда муҳим аҳамиятга эга эканини унутманг.

— **Мактабгача ёшдаги болаларга ҳаёт хавфсизлигини тушунтириш ишлари қандай ташкил қилинади?**

— Мактабгача таълим муассасалари ходимлари ота-оналардан кейин бола учун керакли тарбияни берувчи шахс ҳисобланади. Бола беш ёшга тўлгунга қадар олган билими бир умрлик бўлиб, бунда тарбиячиларнинг ўрни катта. Шундай экан, ҳар бир гуруҳ хонасининг кўринадиган жойида йўл ҳаракати қоидалари турли расмлар билан безатилган деворий плакат ёки бурчак ташкил этиш, йўл ҳаракати қоидаларини шунчаки ёд олдирмай, балки улар онгида йўлда ҳаракатланиш маданиятини шакллантириш муҳим. Йўлда ҳаракатланиш қоидаларини ўргатишда болаларда ҳаракатларни бир-бирига боғлаш, диққат ва кузатувчанликни ривож-

Dolzarb mavzu

минланди, деб бўлмайди. Юқорида айтганимдек, оила—мактабгача таълим муассасаси ҳамкорлигини яхши йўлга қўйиш керак.

— **Болалар ҳаёти хавфсизлигини тўғри таъминлай олиш учун ота-оналар ва тарбиячиларга қандай маслаҳат берасиз?**

— Кўпинча катталар ўзлари учун маълум ва тушунарли бўлган нарсаларни тилда айтавермайдилар. Аммо шуни унутмаслик лозимки, тарбиянинг асоси сўз билан ифодаланган йўл-йўриқдан иборат. Шундай экан, оиласида мактабгача ва мактаб ёшидаги фарзандлари бўлган ота-оналарга қуйидаги амалий маслаҳатларни тавсия қилиш лозим:

— ўткир тигли предметлар, дори

БОЛА ҲАЁТИ ХАВФСИЗЛИГИ:

У ҚАНДАЙ ТАЪМИНЛАНАДИ?

— Оилада бола ҳаётининг хавфсизлигини таъминлашга жиддий муносабатни шакллантирмак даркор, — дейди мактабгача таълим муассасалари ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш республика ўқув-методика маркази методисти Зулфия Раҳимова.

— Кўп болали оилаларда кичик фарзандларнинг тарбияси уларнинг катта операси ёки акиси зиммасига юкланади ва бунга оддий ҳол деб қаралади. Тўғри, бу каттароқ фарзандларда масъулият ҳиссини шакллантиради. Бироқ уларнинг ҳам ҳали бола эканини унутмаслигимиз керак. Шундай экан, ота-оналарнинг ўзлари ҳар бир фарзанди хавфсизлигини таъминлаш мақсадида алоҳида шуғулланиб бормоқлари мақсадга мувофиқ. Эътибор берсақ, аксарият ота-оналар фарзандларига ҳаёт хавфсизлиги, соғлом турмуш тарзи бўйича тадбир (суҳбат, учрашув, савол-жавоб ва ҳоказо)ларни "...бундай қилма, ёмон бўлади" мазмунидagi қуруқ таъқиққа асосланган йўллар орқали амалга оширади. Агар бола кўчада бевосита ўзи гувоҳи бўлган бирорта нохуш ҳодисани сўзлаб берса, "Ана кўрдингми, кўчада эҳтиёт бўлиб юриш керак. Кўчани кесиб ўтаётганда, йўл ҳаракати қоидаларига амал қилиш лозим", дея зарур тушунчаларни ўргатиш ўрнига "Бекордан-бекорга дайдиб юришнинг оқибати шунақа бўлади, кўриб қўй", дея болани койишга тушадилар. Ахир болалар турли характерга эга, шундай экан, уларнинг бундай "насиҳат"ларни қабул қилишлари ҳам турлича бўлади. Шу сабабли ота-она воқеанинг сабаби ва оқибатини бола тилида тушунтириши катта таъсир кучига эга. Масалан, "Бегоналар билан гаплашма" дейиш ўрнига "Сенга таниш бўлмаган одамлар билан гаплашганда эҳтиёт бўл, яхшиси улар билан гаплашмай кўя қол", бунга янада юмшатиб "Кўпчилик одамларга ишониб мумкин, лекин ҳар доим ҳам эмас, чуқки..." дейиш мумкин. Пировардида бола ўзи учун ноқулай вазиятга дуч келганида саросимага тушмасдан, уни бартараф этиш чораси устида ўйлашга, ҳаракат қилишга ўрганади.

— **Зулфия опа, гоҳида шундай вазиятлар бўладики, болаларни уйда ёлғиз қолдиришга мажбур бўламиз. Шундай кезларда нималарга аҳамият қаратиш лозим?**

— Аввало, бундай ҳолда боланинг ёши, саломатлиги муҳим аҳамиятга эга. Агарда бола ўз бажараётган ишининг яхши ва ёмонлигини тушунаолса, унга уйда ўзи маълум вақтгача ёлғиз қолаётганини уқтирган ҳолда қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратиш лозим:

— сиз билан боғланиши мумкин бўлган телефон рақамларини кўринадиган жойда қолдириш;

— барча электр асбоблари ўчирилганлигини, сув ва газ жўмрақлари очиқ қолмаганлигини текшириш;

— болага эшикни бегоналарга очмасликни, уйда ёлғиз эканини гапирмасликни тайинланг;

— уйга қайтаётганингиз ҳақида болани оғхонтиринг ва у сизни танигач, эшикни очишини уқтиринг.

— **Шу ўринда яна бир савол туғилади: Сиз уйда йўқ пайтингизда, фарзандингиз ўқишга бориши керак. Бундай пайтда қандай йўл тўтилади?**

— Бунда энг биринчи навбатда фарзандингизни уйдан чиқаётиб, ташқарида бегоналар йўқлигига амин бўлгач, эшикни қулфлаб чиқишига ўргатинг. Шунингдек:

— эшик калитини ички чўнтагига ёки портфелининг тайинли жойига қўйишини, уни бировларга бермасликни, ўйинчоқ сифатида ўйнамасликни таъкидланг;

— бегоналар билан лифтга чиқмасликни тайинланг;

— агарда кимдир отаси ёки онасининг исмини айтиб, ўзлари билан кетишини сўраса ҳам зинҳор бегоналар ордидан кетмасликни, бунинг оқибати қандай бўлиши мумкинлигини тушунтиринг;

— агар кимдир куч билан уни олиб кетмоқчи бўлса, овозининг борича "Бу менинг отам (ёки онам) эмас. Мен уларни танимаيمان" деб бақиршини тайинланг. Бу атрафдагиларнинг эътиборини тортади;

— фарзандингизни кимдир сизнинг ўринингизга олиб кетиши зарур бўлган ҳолларда эса бу ҳақда тарбиячинини, ўқитувчинини оғхонтиринг.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, болани ахлоқнинг хавфсиз қоидаларига ўргата туриб, унинг ёшига муносиб мисоллар келтиринг. Акс ҳолда уни чуқитиб қўясиз, барча уринишларингиз бе-самар кетиши мумкинлигини ёддан чиқарманг. Муайян қоида, ҳаракатларни болага уқтирар экансиз (мисол учун йўлдан кесиб ўтаётганда пиёдалар учун яшил чирок ёнишини кутиш лозимлигини), ўзингиз, аввало, уларга амал қилинг, намуна кўрсатинг. Бу бола учун

лантириш билан бирга қўшиб олиб бориш, шунингдек, машғулотларни нафақат режа бўйича, балки ҳар бир қулай имкониятдан фойдаланган ҳолда (сайр, ўйин давомида) ўтказиш мақсадга мувофиқ. Йўл ҳаракати қоидалари ҳақида сўзлаганда йил фасллари билан боғлашни унутмаслик керак. Чуқки фасллар алмашилиши туфайли транспорт воситалари ҳаракатининг ўзгаришини англаиш фойдадан холи бўлмайди. Бу борада бола ёшига мос бўлган барча усуллардан фойдаланишга ҳаракат қилиш лозим. Ҳикоя қилиб бериш ва ўйин, сюжетли расмлар ва ролли ўйинлардан фойдаланиш, расм чизиш ва турли викториналар ўтказиш, китоб ўқиб бериш, саёҳатлар уюштириш — буларнинг барчаси болаларга йўл ҳаракати хавфсизлиги кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади.

— **Бугунги кунда болалар ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш мақсадида қандай амалий ишлар олиб борилаётган?**

— Бугун келажак авлод саломатлиги, унинг ҳаёт хавфсизлигини таъминлаш таълим тизими олдида турган муҳим вазифалардан бирига айланган. Жойларда техника хавфсизлигига риоя қилиш, саломатликни сақлаш, соғлом турмуш тарзи бўйича дастурлар, лойиҳалар ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилмоқда. Мактабгача таълим муассасаларининг барчаси махсус стенд ва деворий плакатлар билан таъминланди. Машғулотлар режасига махсус мавзулар киритилди. Шунингдек, Фавкулотда вазиятлар вазирлиги ходимлари билан ҳамкорликда жойларда тушунтириш ишлари олиб бораёلمиз. Бироқ, бу билан бола хавфсизлигини тўлиқ таъ-

воситаларини бола қўли етадиган жойда қолдирманг;

— телевизор, музлатгич, телефон ва бошқа электр асбобларининг шнурлари юза жойда, бола юриши мумкин бўлган йўлда бўлмаслигига эътибор қаратинг;

— болага гугурт ва бошқа ёнувчи ҳамда ўт чиқарувчи воситалар билан ўйнамаслиги кераклигини тушунтиринг;

— кўлига тушган нарсаларни оғзи, қулоғига тиқиб кўриш нотўғри эканлигини англашига кўмаклашинг;

— болани ўзи учун янги нарсани ихтиро қилганида тортинмай катталарга мурожаат қилишга ўргатинг;

— болага ўз исми, ота-онасининг исми-шарифи, уй манзилини ёд олишига кўмаклашинг;

— транспортда юриб қайтгач, болалар майдончасида ўйнаб келгач, уй ҳайвонларини ушлагач ва шунга ўхшаш ҳолларда қўлни совунлаб ювиш кераклигини ўргатинг;

— жониворларни, қушларни, уй ҳайвонларини қийнамаслик, уларнинг жигига тегмасликни, бунинг оқибати нима билан тугаши мумкинлигини тушунтиринг;

— ўсимликларни авайлашни ўргатинг, табиатга меҳр уйғотинг;

— бу ёшдаги болалар ҳамма нарсани синдириб кўришни ёқтиришларини инobatга олиб, баъзи нарсаларни қайта тиклаб бўлмаслигини оддийроқ сўзлар билан тушунтиринг;

— бола учун ҳар бир нарса сирли туюлади, шунинг учун розеткага кўлига тушган нарсани тиқиб кўрмасликни, шнур симларини ўйнамасликни уқтириб бориш.

Маълумотларга қараганда, 27 фоиз болалар ота-оналарининг эътиборсизлиги ва совуққонлиги туфайли азият чекар экан. Деворга илинган суратнинг мустаҳкам ўрнатилмаганлиги, нотўғри жойга қўйилган гулдон, болалар ўйнайдиган жойдаги илгич ёки жавонга тартибсиз жойлаштирилган буюмлар бола ҳаётига муайян хавф туғдиришини ёдда тутмоқ даркор. Жуда кўпчилик болалар нафақат кум ва лойдан, пластилиндан уйчалар ясашни, балки қайчи ва болғачадан фойдаланиб, бино қуришни ёқтирадилар. Катталарнинг бепарволиги эса уларнинг бу фаолиятида ниҳоятда юқори хавф туғдиради.

Вена университетининг профессори, психолог Виктор Франкл "Инсоннинг ҳамма нарсасини тортиб олиш мумкин, фақат бир нарсасини — ҳар қандай шароитга нисбатан шахсий муносабати, ўз йўлини танлаш эркинлигини олиб қўйиб бўлмайди", деб айтганида нақадар ҳақ эди. Баъзи ота-оналар содир бўлган воқеаларни "бахтсиз ҳодиса"га йўйиб қўядилар. Бу эса масъулиятдан қочишни англади. Ахир, велосипед олиб бериб, уни бошқариш қоидаларини ўргатганингизда, бола аргимчоқ учаётганида ёнида катта одамнинг бўлишига эътибор қилганингизда, дазмолни электрдан узишни унутганингизда бу "бахтсиз ҳодиса" рўй бермаслиги мумкинлигини ёдда тутинг. Демак, фарзандимиз улғайиб, яхши-ёмон, хавф-хатарни англаб олгунига қадар ҳар борада унинг тарбиясига, ҳаётининг хавфсизлигига жиддий ёндашиш биз — катталарнинг бurchимиздир.

Б.ОТАЖОНОВА суҳбатлашди.

ТИЛ — МАЪНАВИЯТ МЕЗОНИ

Президентимиз И.Каримов "Юксак маънавият — энгилмас куч" асарида "Айни вақтда жамияти- мизда тил маданиятини ошириш борасида"ги ҳаракатларни кучайтириш лозимлигини таъкид- лаб ўтган. Хўш, тил маданияти нима? Асрлар бўронидан ҳозирга қадар эсон-омон етиб кел- ган, ўз тарихи давомида давлат тили мақомига эришган она тилимиз маданияти деганда нима- лар назарда тутилди? Унинг софлиги учун ким курашади? Албатта, оддий битта буюм учун унинг эгаси жон куйдирганидек, тилнинг софлиги, қадри учун энгилар — шу тилда сўзлашув- чилар қайғуриши шарт.

Она тилимизга давлат тили мақоми берилди, деб фахрланишимиз, гурурланишимизнинг ўзи- гина унинг келажаги, маданий савиясини таъ- минламайди. Буюк бобоқалонимиз Алишер На- вобий ҳазратлари "Тилга эътиборисиз — элга эъти- борисиз" деганларида худди шуни назарда тутган эдилар. Гапиратганда, ёзаётганда, ўқётганда — она тилимизга лоқайдлик билан қараган ин- сон, албатта, ўз миллати тақдирига ҳам лоқайд- дир. Бу лоқайдлик оқибати нималарда кўриниши мумкин?

Сўнгги йилларда ўлкамиз ниҳоятда ободон- лашди, қисқа мuddатда шаҳару қишлоқларимиз файзли бўлиб бормоқда. Йул четлари, бинолар пештоқидан турли реклама таблолари, пешлав- ҳалар, шюрлар ўрин олмақда. Бунинг ёмон то- мони йўқ. Негаким, бу жойлар энг гавжум бўлиб, маълумотлар оммага тез етказилди. Аммо улар- да учрайдиган имло, техник (айниқса, х-х, у-у, к-к ҳарфларини фарқламаслик), пунктуацион ха- толар (тиниш белгиларини ноўрин ишлатиш ёки қўлламаслик) ҳам кўзга тезгина ташланган. Тил эгалари, мутахассислар "хато ёзишди-да" деб қўйишади. Аммо кўчадан ўлаётганимизда, турли ёзувларни осоматганимизда уларга фақат ўз кўзи- ми билан эмас, шу кўчадан ўтаётган чет эллик- лар, энди савод чикараётган, эшитганидан кўра кўпроқ кўрганига ишонаётган ёш болалар кўзи билан ҳам қарашимиз лозим. Бу ҳам саводхон- лик билан боғлиқ маданият эканлигини унутмас- лик керак.

Айни вақтда республикамизда кичик ва ўрта тадбиркорлик ниҳоятда ривожланмоқда. Улар тур- ли рақобатбардош, сифатли махсулотлар ишлаб чиқариб, халқимиз эҳтиёжини қондирмоқда. Бу, албатта, яхши. Бироқ улар ишлаб чиқараётган махсулотларида берилаётган манзил, тегишли маълумотларни расмийлаштиришда она тилимиз- дан лоқайдларча фойдаланиб, унинг софлигига путур етказяётган ҳолатлар ҳам йўқ эмас. Айниқ- са, дори-дармон махсулотлари, ичимлик, кичик корхоналар томонидан тайёрланаётган музқай- моқ, турли қандалат махсулотлари қадқоқ қўти- ларида айрим ҳолатларда бошқа тилларда берил- ган маълумотлар бехато ёзилган ҳолда, ўзбек тилидаги маълумотларда баъзи хатоликлар уч- райди.

Шунингдек, кичик тадбиркорлик объеклари, турли фирма, ташкилотларнинг номланшида ҳам тил меъёрларига амал қилиниши зарур. Чунки шаҳар кўчалари бўйлаб кезар эканмиз, айрим жойларда гўё ўзимизни чет элга бориб қолган- дек ҳис этиамиз. Турли, маъноси тушунарсиз ўзлашма сўзлар орасида ўзбекча номланган объектлар қамдан-кам кўзга ташланади. Булар- ни ким назорат қилади? Аввало, ҳар кимда мил- лий гуруру бўлиши керак. Тўғри, тил учун четдан сўз ўзлаштириш салбий ҳодиса эмас. Тиллар мун- тазам иқтисодий, сиёсий, иجتимой, маданий ало- қалар туфайли бир-биридан сўз ўзлаштириб, шу асосда ҳам луғат қатламлари бойитиб боради. Ай- рим интернационал терминлар борки, улар тар- жимасиз қўлланганда ҳам, маъносини ҳамма ту- шунади (интернет, глобал, маркетинг ва ҳ.к.). Бироқ ўзбек тилида муқобили бўла туриб, қан- дайдир ажнабий сўзларни қўллаш, бу миллий тил- га нисбатан ҳурматсизлик эмасми?

Тил — миллий гуруруримиз, деймиз. Бирор чет эллик меймон ёки машхур шахс ўзбек тилида рамзий маънода «ассалоому алайкум» ёки «рах- мат» сўзларини айтса, спортчиларимиз машақ- қатли меҳнатлари эвазига голибликни қўлга ки- ритиб, хорижда мадҳиямиз янграса, қалбимиз миллий гурурудан тўлқинланиб, кўзларимизга се- винч ёшлари қалқади. Она тилимиздаги сўзинг бошқа миллат вакили тилида ёки тупроғида ян- граши, англаяписими, қанчалик шараф!

Башорат БАҲРИДДИНОВА, Қарши давлат университети доценти, филология фанлари номзоди

Президентимиз Ислон Каримов «Юксак маъна- вият — энгилмас куч» асарида таъкидлагани- дек, жамики эзгу физи- латлар инсон қалбига, аввало, она тилининг бетакрор жозибаси бил- лан сингади. Она тили — бу миллатнинг руҳи- дир.

Агар бугун ер юзида беш мингга яқин тил ва лаҳжа бўлса, улардан бор-йўғи юзга яқини давлат тили мақомига эга. Улар орасида ўзбек тили ҳам бор. Она ти- лимизда юртимиздан ташқари бошқа мамла- катларда ҳам миллион- лаб кишиларнинг сўзла- шиши, турли китоблар, газета ва журналлар нашр этилиши, интер- нетдаги «уз» домени қўламнинг тобора кен- гайиб бораётгани қал- бимизни фахр-ишти- хорга тўлдирди, албат- та.

Буларнинг барчаси яратувчанлик ва юксак интеллектуал салоҳият- га эга халқимиз заковати, улуғ мутафаккир аж- додларимиз истеъдоди ҳамда истиқлол туфай- ли тикланиб, кадр топ- ган юксак маънавият са- мараларидир.

Агар бу жараёни бир кўшиқ деб тасаввур қилсак, унинг авж пар- далари, шубҳасиз, Али- шер Навобий бобоми- знинг ижодида акс эта- ди. Халқимиз маънавий дунёсининг шакллани- шига гоят кучли ва са- марали таъсир кўрсат- ган буюк бобомиз инсон қалбининг қувонч ва из- тиробларини, эзгулиги ва ҳаёт мазмунини ти- лимизнинг бетакрор на- фосати ва фасоҳати бил- лан тасаввур ва тафак- курнинг энг юксак мақо- мида ифодалаган. «Му-

хокамат ул-луғатайн» асарида эса етук тил- шунос сифатида тили- мизнинг ривожланиш йўлларини таҳлил қил- тани, ижоддаги бекиёс аҳамиятини исботлаб берган.

Инсоният барҳаёт экан, Алишер Навобий асарлари ва она тили- миз ҳам мангудир. Зо- тан, Президентимиз Ислон Каримовнинг «Юксак маънавият — энгилмас куч» асарида таъкидланганидек, она тилига муҳаббат, унинг бекиёс бойлиги ва бу- юклигини англаш туй- гуси ҳам бизнинг онгу шууримиз, юрагимизга, аввало, Навобий асарла- ри билан кириб келади.

Ҳали юртимиз ва халқимиз мустақил бўлмаган мурракб бир шароитда 1989 йилнинг 21 октябрь куни давлат- тимиз раҳбари Ислон Каримов ташаббуси бил- лан «Давлат тили ҳақида»ги Қонун қабул қилинди. Бу — катта маънавий жасорат эди.

Таъкидлаш жоизки, мазкур қонунда давлат тили билан бирга юр- тимиздаги барча мил- лат ва элатларнинг тил- ларини ривожланти- риш, давлат йўли билан химоя қилиш, тили, дини ва миллатидан қатъи назар, ҳар бир фуқаронинг ўз она тили- да таълим, ахборот, зар- рур маълумот олиш каби

Ислон Каримов раҳна- молигида она тилимиз- ни тиклаш, асраш ва ривожлантириш, унинг давлат тили сифатида ҳаётимиздаги ўрни, аҳамияти ва таъсирини кучайтириш, том маъно- да миллий қадриятга айлантириш йўлида ул- кан эзгу ишлар амалга оширилди.

Тилимизни илмий асосда ривожлантириш- га қаратилган фунда- ментал, амалий ва ин- новацион тадқиқотлар олиб борилди, унинг ўзига хос хусусиятлари- га бағишланган қўплаб илмий ва оммабоп ки- тоблар, ўқув қўлланма- лари, янги-янги луғат- лар чоп этилди.

раб қолишнинг муҳим қафолати эканини тўла англаб етмаётгилар.

Исм — одамга кимли- гини, қайси миллатга мансублигини эслатиб турадиган миллий иф- тихордир. «Маркс», «Тельман», «Мэлс»лар собиқ мустабид тузум- нинг халқимиз ҳаётига солган мусибати, мил- лий фожианинг бир кўриниши эди. Бу ил- лат, афсуски, ХХI асрга ҳам мерос бўлиб ўтди. Бугун айрим ёш ота- оналар оқибатини ўйла- май, фарзандига хориж сериалларидаги қаҳра- монлар, фарб шоу-биз- несида ном қозонган хо- дидлар исмини қўй- моқда. Масалан, ҳозир

нинг номи билан ҳам ата- моқчи бўлади. Уйлаб кўринг, десангиз, Евро- пада шунақа, дейди. Масалан, ўглининг ис- ми Ривалдо қўймоқчи бўлади. Миллий қадри- ятларимиз мохиятини унга тушунтиргунча, қанча баҳс-мунозара, ту- шунмовчиликлар бўлиб ўтади».

Кино, телевидение, радио, матбуот нашрла- ри тилинг асосий тар- гифотчиларидир. Бино- барин, хонандалар, су- хандонлар, режиссёр- лар, актёрлар ва бошқа тегишли соҳа вакиллари ўзбек тилига ҳурмат бил- лан ёндашишлари, ада- бий тил меъёрларига риоя этишлари шарт.

МИЛЛИЙ РУҲИЯТИМИЗ АСОСИ ҲАМ БИР ИЛ ТЎЛДИ

Ушбу йилда давлат тили мақоми берилганига йигирма бир йил тўлди

Она тилини асраш ва мунтазам ривожланти- риш ўзбек зиёлилари учун ҳамиша энг муҳим маънавий бурч ва вази- фа бўлиб келган. Чо- ризм мустамлакаси дав- риди маънавий бурч ва вази- фа бўлиб келган. Чо- ризм мустамлакаси дав- риди маънавий бурч ва вази- фа бўлиб келган. Чо- ризм мустамлакаси дав- риди маънавий бурч ва вази- фа бўлиб келган.

хуқуқларининг қафолат- ланиши аниқ белгилаб қўйилгани мамлақати- мизда барпо этилажак ҳуқуқий фуқаролик жа- мииятидан нишонлар эди.

1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбеки- стон Республикаси Кон- ституциясида давлат ти- лининг мақоми ҳуқуқий давлат тилида қабул қилинмоқда. Мамлақа- тимиздаги қўплаб ша- ҳар ва қишлоқлар, таъ- лим ва тиббиёт муасс- салари, кўча, хибоб ва майдонлар, автобус ва метро бекатларига мил- лий қадриятларимизга мос номлар берилган.

Бугун давлат ҳокими- яти, маҳаллий ҳокимлик- лар ва бошқарув орган- ларининг ҳужжатлари давлат тилида қабул қилинмоқда. Мамлақа- тимиздаги қўплаб ша- ҳар ва қишлоқлар, таъ- лим ва тиббиёт муасс- салари, кўча, хибоб ва майдонлар, автобус ва метро бекатларига мил- лий қадриятларимизга мос номлар берилган.

Аммо миллий қадри- ятларимизни тиклаш йўлида давлатимиз то- монидан шундай кенг қўламли эзгу сая-ҳа- ракатлар амалга ошири- лган. Айрим-айрим давлатимизнинг барда- вомлигини таъминлаш миллий қиёфамизни ас-

қишлоқ жойларда ҳам Жасмин исми ёш қиза- лоқлар кўп. Бу исминг луғавий маъноси эса ясмин, ёсуман гулини англатади. Халқ оғзаки ижодимизда эса ёсуман — ёвузлик, жодугарлик тимсоли сифатида ифо- даланган.

Туман ФХДё бўлими мудирларидан бири шундай деб қолди: «Фарзандига туғилган- ли тўғрисидаги гувоҳ- нома олгани келган ай- рим ёш оталарда фар- зандага исм қўйишда заррача масъулият туй- гуси йўқлигини кўриб, ачиниб кетамиз. Айрим- айрим боласининг исми- ни бирор бир машхур фирма ё футбол клубла- ри ё худ футболчилар-

Аммо бугун айрим ху- сусий радиоканалларда ўзини «С» атаб олган ай- рим болаларимиз йўли- нинг давом эттирили- ши, миллий руҳнинг асос, жаҳвар, ҳаракат- лантирувчи куч сифати- да англиниши, танлани- ши ва ҳаётда ўзини на- моён этишидир. Зотан, ўзбек тилини ҳар то- монлама ривожланти- риш, унинг бекиёс им- кониятларини очиб бе- риш ва бутун дунёга на- моён этишга ҳисса қў- шиш, Президентимиз Ислон Каримов таъкид- лаганидек, миллий ўз- ликни, Ватан туйғусини англашдек эзгу мақсад- ларга хизмат қилади.

Умид ЁҚУБОВ, Ўза шарҳловчиси

«ЭНГ АВВАЛО, МИЛЛАТ ИЛА ВАТАННИ АСРАНГ!»

Соҳибқирон Амир Темурнинг бу ўғити- га риоя этмоқ йўлидаги сая-ҳаракатлар- нинг энг аввали ва асосийси катта меҳр ва муҳаббат, зийраклик билан юракларимиз- нинг таржимони бўлиши она тилимиз, унинг софлиги ва умробоқлигини таъмин- лай билмоқ, десақ, муболага бўлмас. Бун- нинг учун фарзандларимизга тилимизнинг бойлиги ва жозибдорлиги, унинг миллий қадриятларимизга нечоғлиқ уйғун ва муш- тараклиги хусусида бот-бот сўзламоғимиз, бу жиҳатларнинг амалдаги далилини ифо- далаб бера билмоғимиз керак. Шеъринг мулкнинг султони Навобийнинг наволари- даги сержило маънолар, жаҳонгир бобо- миз Амир Темур чорловларидаги ёниқ ҳарорат, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ар- монларидаги ўтли дурд қадим туркий тилимизнинг ана шу қудрати силсиласида неча асрларки кўнгилларни жунбушга со- либ келмоқда.

Узбек тилига давлат тили мақоми бе- рилганига 21 йил тўлиши муносабати бил- лан Тошкент шаҳрининг Миробод тумани- даги 110-мактабда бўлиб ўтган тадбир ана шу бурчдорлик туйғусини яна бир бора таъ- кидлади. Тил байрамига жам бўлган пой- тахтимиз мактабларида фаолият юротаёт- ган она тили ва адабиёт фани ўқитувчилари, ижодкор, истеъдодли ўқувчилар, Ўзбек Миллий академик драма театрининг танқил актёрлари ўз чиқишлари орқали она ти-

тиланиш аниқ белгилаб қўйилгани мамлақати- мизда барпо этилажак ҳуқуқий фуқаролик жа- мииятидан нишонлар эди.

Аммо миллий қадри- ятларимизни тиклаш йўлида давлатимиз то- монидан шундай кенг қўламли эзгу сая-ҳа- ракатлар амалга ошири- лган. Айрим-айрим давлатимизнинг барда- вомлигини таъминлаш миллий қиёфамизни ас-

ёрилиги ва эсдалиқ совғалари билан тақдир- ланди. Ўқувчилар томонидан тайёрланган мусиқий дастур эса йилгиланларда катта та- асускор қолдирди.

О. МУРОДУЛЛАЕВА В. ГРАНКИН олган сурат.



Ҳақиқатан ҳам, тил — му- раккаб олам. Ҳар қандай тилининг асл лексикасини сақлаб қолиш технологияси инқилоб даврида жуда қийин. Технологий инқи- лоб қаерда бўлса, ўша жойнинг тили билан бе- восята боғлиқликда янги бе- тамалар вужудга келади. «Но- утбук» энгилмизга сўз. Кичик ҳажмли компьютерни шун- дай аташни дунё ўзига қабул қилиб бўлди. Ўзбек- часига уни «дафтар» деса тўғри бўлмайди. «Супер» сўзи ўзбекчасига «ўта» деб таржима қилинади. Лекин шунга қарамасдан, биз унинг халқро микёса «энг зўр» маъносига қабул қилинаётгани учун, энг зўр, аёло, олий каби маънолар- да ишлатаямиз. Тилимиз- да бу каби ўзлаштирилган сўзлар жуда кўп. Лекин сўзларнинг ўзлаштирили- ши бу тилинг камбағал бўлганлигидан далолат эмас, шароит тақозосидир. Аслида бу фикрларим- ни ёзишимга асос бўлган воқеани айтиб ўтай. Бир куни ўзимдан кичик курс-

ЎЗЛИТИМИЗ КЎРҒОНИНИ АСРАЙЛИК!

Тоғ арчаси ва булоқ суви. Бу икки тушунча қарама- қарши маъно ифода- ламаса-да, таркибан ва шаклан бир-би- рига ҳеч қандай ўхшашлик жойи йўқ. Аммо уларни тафаккуримизда жонлан- тирсак, тасаввуримиз айро йўлларо одимласа-да, манзили бир-бирига яқиндек, қаердадир ўзаро туташадиган- дек туюлаверади. Аслида тоғ арчаси, унинг илдизлари булоқ сувининг бош- ланғич нуқтаси бўлиб, оби-ҳаётнинг пайдо бўлиши ва мунтазам мавжудли- гининг асосидир. Чўққилардаги арча- зорларга путур етса, тоғнинг қуйи эта- гидида ҳаётбахш булоқларнинг қуриб қолиши шундан. Бу фақат табиатнинг инсон қилмишларидан ўч олишигина эмас. Бунинг замирида инкор этиб бўлмас ҳақиқат муҳассас.

Тоғ арчаси ва булоқ суви ўртасида қанчалик боғлиқлик бўлса, ТИЛ ВА МАЪНАВИЯТ тушунчалари орасидаги узвийлик улардан-да чуқурроқ, улар- дан-да мустаҳкамроқ. Улар бир-бири- ни тўлдирди, бойитади, бири иккин- чисининг ривожига катта аҳамиятга эга бўлади. Инсоннинг маънавий олами, одоб-ахлоқ, феъл-атвори бутунлиги- ча унинг қалби, онги-шуурига дахлдор. Тил — дил қалити. Қалб эса маънавият кўзгуси. Шу маънода кишининг маъна- вияти, маданияти, аввало, унинг тили- да, сўзлаган сўзида намён бўлади.

Қадимги файласуф-олимлардан бири Пифагор ҳам қайсида халқнинг маъ- навиятини билмоқчи истаган киши, энг аввало, уларнинг тилини ўрганиши ло- зимлигини таъкидлайди. Демак, тил — миллат қиёфасини ўзида акс эттирув- чи, маънавияти даражасини ифодолов- чи мезон.

Курсдошларимнинг чет тилларини, хусусан, инглиз тилини ўрганишга иш- тийёқи ҳам, иқтидори ҳам жуда кучли. Уларни кутубхонада инглизча луғатлар- дан сўз ёдлаётган, матн тузаётган ёки таржима қилаётган, шу тилда сўхбат- лашаётган ва ҳатто баҳсга киришаёт- ган ҳолда кўп учратаман. Буни кўриб бошим осмонга этади — бугун ҳар со- ҳада рақобат бор. Чет тилларини яхши биладиган кадрларга эса талаб катта. Ўзга тилини ўрганиш ва билиш ҳам бир муваффақият. Бироқ ҳар нарсада меъ- ёр бўлгани маълум, деган ибратомуз гап бекорга айтилмаган.

Кўпинча дарсла- римиз тугадиган сўнг курсдошлар бирга тушлик қила- миз. Тушлик даво- мида бир-биримиз билан асосан инг- лиз тилида муомала-муносабатда бўла- миз. Бу ҳолат менга унчалик ёқмаса ҳам чет тилини ўрганишда катта машқ эканлигини ўйлаб таскин топаман. Ле- кин бир куни воқеалар бошқача тус олди. Овқатлини бўлиб дастурхонга омин қилар эканмиз, бир курсдошим инглизчалаб ўзича нималардир дедиди, юзига фотиҳа тортди. Унга қўшилган курсдошларим ҳеч нимани билмаган- дек, бу аслида шундай бўлиши керак- дек шоша-пиша ўрниларидан туриш- ди. Гўё улар ҳеч нимани ҳис қилмади ҳам. Мен эса жойимдан жилмадим, жи- лолмадим. Бу ҳол мени шунчалик таъ- сирлантирган эдики, худди улар ота- боболаримизни ранжитгандек, урф- одатларимизга оёқ қўйгандек, анъана- ларимизни топтагандек туюлди.

Она тилимизга давлат тили мақоми берилганига 21 йил бўляпти. Бу вақт давомида минг йиллардан буюн тош эмас, мрамдардан пойдевори шаклани- б, қад ростлаган тилимиз қасрининг салкам бир аср мобайида шамолю буронлар натижасида кўрган шикастла- рини ҳар томонлама таъмирлаб, гўзал қиёфага келтира олдик. Ўтган йиллар мобайида аждодларимиз тамал тоши- ни қўйган она тилимизнинг ҳуқуқий асо- си шакллантирилди, барча соҳаларга оид адабиётлар, ўқув дарслиқлари соф ўзбек тилида қайтадан нашр этилмоқ- да, халқ байрамлари, иجتимой-сийёсий йиғилишлар, расмий ҳужжатлар шу тил- да олиб бориладиган бўлди. Бундан «дўпимизни осмонга оتماқ» арзийди. Бироқ кундалик турмушимизда юрт ва халқ манфаатига беварқ, ўз фуқаро- лик бурчига бармоқлари орасидан қарайдиган кимсалар учраб турганли- гига кўз юмо олмаймиз.

Нима бўлганда ҳам она тилимизга муносабатимиз халқимизнинг миллий бойлигига, маънавиятига нисбатан ҳур- мат ва эътиборимизни ифодалайди. Уни асрашимиз, турли ҳаёт ва камчилик- лардан сақлашимиз аждодларимиз ол- дида фарзандлик бурчимиз эканлиги- ни унутмайлик. Зеро, Юртбошимиз таъ- кидлаганидек, ўз тилини йўқотган ҳар қандай миллат ўзligидан жудо бўлиши муқаррардир.

Дилшод КАРИМОВ

БЕБАХО ХАЗИНА

қитобиди бутунлай бошқа фикрни беради. У «муҳаб- бат» сўзининг йиғирмага яқин маънодошларини келтирар экан, улар ўрта- сиида нозик маъно фарқ- ларини ҳам тушунтириб ўтади. Ва хулоса қилиб ай- тадикки, «Тилимиз нақадар ранго-ранг, тилимиз нақа- дар бой».

«Ўзбек тилининг изоҳли луғатини varaқларканман, бу фикрнинг исботини кўрдим. Биргина «олмоқ» сўзининг 16та синонимик қатори мавжуд экан. Олмоқ — қўлга киритмоқ, ушла- моқ, тугмоқ, қабул қилмоқ, ёлламоқ, қирқмоқ, кесиб чиқармоқ, суғуриб чиқар- моқ, ўзига сингирмоқ, ха- рид қилмоқ, уйланмоқ, кет- казмоқ каби маъноларда қелишини билдим. Демак, диришми керак. Лекин кондукторни чипчата, ре- ални ҳақиқий, температу- рани даража, аварияни ҳалокат, авторни муаллиф, подвални ертўла дейиши- зи тилимизнинг соф ҳолда сақланишига асос бўлади. Ўзлашган сўзлар ўз навбатида синонимик қаторда сақланади. Ўзе- кистон Миллий энциклопед- диясида келтирилишича, дунёда турли миллат ва элат, қабилаларнинг 2500 тадан ортиқ жонли тили борлиги маълум. Уларнинг ҳар бири ўзаро алоқда, қолаверса, муаян хусуси- ятлари билан ўхшашлиги бе- сиз маълум маънода бир- бирини бойитиб боради. Бугунги ахборотлаштириш даврида эса бу ҳолат яна- да кучаймоқда. Шундай ҳолатда ўз тилимизга бўлган муҳаббат, аждодла- римизнинг бой маънавий меросини ўрганиш, ўзбек тили софлиги учун барча- миз хизмат қилмоғимиз даркор.

Санобар ЖУМАНОВА

ЯНГИЛИКНИ ТУШУНИБ ЕТИШ

Yangi 2010—2011 ўқув йилининг дastlabki choragi тугалланиши арафасида барча умумтаълим мактабларида ўқувчилар билим самарадорлигини ошириш, таълим сифати ва мазмунини бойитишга қаратилган ишларнинг самарадорлигини аниқлаш биринчи дарajали вазифага айланган. Шу ўқув йилидан бошлаб «5—9-синф ўқувчиларининг билимлари сифатини назорат қилишнинг рейтинг тизими тўғрисида Низом»нинг кучга кириши, шунингдек, мактаб раҳбарлари ва педагогларнинг иш юклагасини белгилашга доир йўриқнома-нинг амалиётга жорий этилиши бўйича кенг миқёсда тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилди.

Ўқув йили арафасида ўтказилган Август кенгашлари шўба йиғилишларида такомиллаштирилган Давлат таълим стандартлари, узвийлиги ва узлуксизлиги таъминланган ўқув дастурлари, қўлланилиши мўлжалланаётган рейтинг тизими, педагогик юклагага доир йўриқнома бўйича атрофлича ва тўлақонли маълумотлар барча мактаб раҳбарлари, ўқитувчиларга етказилган бўлса-да, ҳали бу борада олиб борилаётган ишлардан қониқиб ҳосил қили-

шимизга эрта. Хўш, бу муаммоларни ҳал қилишда педагог ходимлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институтининг ўрни ва вазифаси нимадан иборат бўлиши керак?

Биринчи галда Халқ таълими вазирлигининг жорий йил 24 июндаги «Умумий ўрта таълим муассасалари ўқитувчиларининг иш ҳақларини ҳисоблаш методикасини такомиллаштириш тўғрисида»ги 155-буйруғи мазмун-моҳиятини тўлиқ англаш уни қонуний

унинг амалиётга тўлақонли татбиқ этилишини кафолатлайди

доирада амалга ошириш имконини беради. Барча курс тингловчиларига буйруқнинг асл моҳиятини етказиш учун таянч ўқув режасининг «Долзарб мавзулар» бўлимига 2 соатлик маъруза киритишга қарор қилдик.

Умумий ўрта таълим жараёнига устоз-шоғирд лойиҳасининг жорий қилиниши кат-

Jarayon

та аҳамиятга эга бўлди. Устоз мақомига эришган ўқитувчида катта тажриба бор, у йиллар мобайнида тўпланган ана шу бойлигини шоғирдлари билан баҳам қўриши керак. Шу боис, устоз-шоғирд мактаблари фаолияти билан барча курс тингловчиларини чуқур таништириш мақсадида мутахассислик фанлари бўлимига 2 соатлик маъруза киритиш мақ-

садга мувофиқ деб топилди.

Олий ва ўрта махсус, Халқ таълими вазирликларининг жорий йил 1 июлдаги «Умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида ўқитиладиган умумтаълим фанлари ҳамда олий таълимда давом эттириладиган фанлар дастурлари узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш тўғрисида»ги қўшма ҳайъат қарори ижросини таъминлашга биз ҳам масъулмиз. Шунини ҳисобга олган ҳолда мутахассислик фанлари бўлимига 2 соатлик маъруза жорий қилиниб, мавзу тингловчиларга янада чуқурроқ тушунирилмоқда.

Таълим тизимидаги энг катта янгилик бу — баҳолаш жараёни билан боғлиқдир. Илгариги рейтинг тизимида ўқитувчининг жуда кўп вақти ҳисоб-китоб ишларига кетар, асосий мақсад — болага билим бериш учун унинг вақ-

ти кам қоларди. Институтимизга малака ошириш ва қайта тайёрланиш учун келган тингловчилар эндиликда «5—9-синф ўқувчиларининг билимлари сифатини назорат қилишнинг рейтинг тизими тўғрисида Низом» номи янги мавзу юзасидан баҳс-мунозара олиб бордилар.

Барча кафедра мудирлари ва курс раҳбарларига белги-ланган муддат ичида ҳар бир ҳужжат бўйича 4-бтадан тест саволларини яратиш ва уларнинг электрон вариантини локал тармоққа жойлаштириш вазифаси юклатилди. Саволлар чиқиш тест синовлари банкига киритилган бўлиб, курс тингловчиларининг билим даражасини оширишга хизмат қилмоқда.

Ҳамидулла Йўлдошев,
Тошкент шаҳар ПКҚТМОИ
ректори, педагогика
фанлари доктори,
профессор

O'QISH DARSLARIDA TAHLILNING AHAMIYATI

O'qish darslarida o'rganiladigan badiiy asardagi obrazlarning o'ziga xos xususiyatlarini, ya'ni uning tashqi ko'rinishi, xatti-harakatlari va ichki kechinmalarini ocha bilish kerak. Har bir obrazning boshqalaridan ajratib turadigan tomonlarini ko'rsatish muhimdir.

Badiiy asar ustida shunday ishlash kerakki, o'quvchilar ongida obrazlar to'laqonli va mukammal o'z ifodasini topsin. Obrazlar qanchalik yorqin ifodalansa, tasavvur va tushunchalar shunchalik kengayib boradi.

O'qish darslarida o'rganiladigan asar turini hisobga olsak, bu asarni o'rganish usulini to'g'ri tanlash imkonini beradi. Masalan, nasriy asarlarni tahlil qilishda qayta hikoyalash va reja tuzishdan foydalanilsa, lirik asar tahlilida ifodali o'qish va savol-javoblarga keng o'rin beriladi. Nasriy asarning ham turlariga qarab, ish olib boriladi. Agar asar bayon tarzida berilgan bo'lsa, to'liq hikoya qilish va og'zaki tasvirga e'tibor qaratiladi. Asarda dialoglar ko'p bo'lsa, tanlab hikoya qilish va rollarga bo'lib o'qish yaxshi natija beradi. Agar asar badiiy va ilmiy-ommabop maqolaga o'xshagan bo'lsa, ularning xususiyatiga qarab har ikki ish turi oralig'ida tahlil qilinadi.

Badiiy asar tahlilida uning mazmuni asosida o'quvchilarni hayajonlantirish va fikrlashga chorlash maqsadida obrazlarni hayotga bog'lab, tushuntirilishi muhim tarbiyaviy ahamiyatga ega.

Darsning kirish mashg'ulotida asar mazmuniga mos bo'lgan g'oyalar ustida fikr yuritiladi. Bu o'rinda o'qituvchining gaplari obrazli va jarangdor bo'lishi kerakki, bolalar tinglab, hayajonlansinlar. Masalan, she'r o'qiladigan darsda shu she'r mazmuniga yaqinroq musiqa, qo'shiq eshittirish mumkin. Tinglagan kuylarini o'quvchilar mustaqil mulohaza qilishlari, shu asosda o'tkaziladigan suhbat va o'qituvchining izohlab berishi o'quvchilarning musiqiy madaniyatini o'stiradi, she'rni ifodali o'qishga qiziqishlarini orttiradi. Shu bilan birga o'quvchilarning mavzuga chuqurroq kirib borishlari, asar g'oyasini puxta anglab yetishlariga katta ta'sir ko'rsatadi. Har qanday holatda ham kirish mashg'ulotlari o'rganiladigan asar g'oyasiga mos bo'lishi kerak.

Shunday qilib, badiiy asar o'rganiladigan darsda asar matnini birinchi marta namunalni o'qishni o'qituvchining o'zi, maxsus tayyorlangan o'quvchi bajarishi yoki o'quvchilar obrazli mustaqil o'qishlari mumkin. O'quvchilar mustaqil o'qiyotganlarida o'qituvchi tushuntirishi, ko'rsatma va maslahatlar berishi kerak. Bu o'rinda asarni o'qib bo'lgan

Sinab ko'ring

o'quvchi o'rtoqlari o'qiyotganda o'z fikrini gapirib yoki ayrim o'rinlarini qayta o'qishlari mumkin. Birinchi o'qish jarayonida o'quvchilarda turli savollar, ikkilanishlar, tushunmovchilik holatlari sodir bo'ladi. Bunda asarni yana bir bor o'qigandan so'ng savol-javoblar o'tkazilishi lozim. Bu suhbat bolalarning mustaqil fikr yuritishlarini ta'minlaydi, asarni qayta o'qib, uni puxta o'rganishga undaydi. Bular faqat o'quvchilar uchungina emas, o'qituvchi uchun ham foydalidir. Dastlabki suhbat orqali o'quvchilar birinchi o'qishda olgan tasavvurlarini o'rtoqlashadilar. O'qituvchi o'quvchilar tushunchalarini inobatga olgan holda navbatdagi vazifalarni, nimalarga e'tibor berish kerakligini belgilab beradi.

Asarni qismlarga bo'lib o'qish mas'uliyatli va murakkab ish. Bu o'rinda bir nechta faoliyat birgalikda amalga oshiriladi. O'quvchilar asarning har bir qismini chuqur o'rganishga va keyingi qismi mazmuniga qiyoslashga urinadi.

Kirish mashg'ulotidan boshlab, asar tilini tahlil qilishga asos solinadi. Ayrim so'zlarni doskaga yozib, unga ma'nodosh bo'lgan boshqa so'zlar tanlash tavsiya qilinadi.

Asar qismlarini o'qish, tahlil qilish jarayonida o'quvchilar uning mazmunini o'zlashtirib boradi. Shu bilan bir qatorda qayta hikoyalash, reja tuzish singari keyingi ijodiy ishlarga tayyorlanadilar.

Maktab o'qituvchilari tajribasida to'liq qayta hikoyalash usuli keng tarqalgan. To'liq qayta hikoyalash orqali o'quvchilar matn mazmunini yaxshi o'zlashtiradi, tasavvur tushunchalari kengayadi va atrofimizdagi olamni o'rgana boradi. Shuningdek, o'quvchilarning lug'at boyligi boyib, asar mazmuniga o'z munosabatlarini bildirish ko'nikmalari shakllanadi.

Qayta hikoyalashni to'g'ri tashkil etishda gapirayotgan o'quvchiga xalaqit bermaslik, o'zini erkin tutilishi va ijodiy ifodalashini ta'minlash zarur. Buning uchun quyidagilarga e'tibor qaratish lozim:

1. Kirish mashg'uloti, asarni o'qish va uni tahlil qilish



ishlariga puxta tayyorgarlik ko'rish. Tahlil davomida o'quvchilar diqqatini badiiy asar tili va uning g'oyasiga qaratish.

2. Qayta hikoya qilishdan oldin mashqlar o'tkazish. Ya'ni asardagi biror yangi ma'no ifodalaydigan jumlani boshqa gaplar bilan almashtirish natijasida bo'ladigan g'oyaviy o'zgarishlarni aniq misollar bilan ko'rsatish.


3. Qayta hikoya qilish turini almashtirib turish. Masalan, «Tasavvur qiling, o'sha qahramon o'rinda bo'lsangiz, nima qilar edingiz?», «Tushunmaganlaringizni o'zingiz ishtirok etganday tasvirlang» singari topshiriqlar asosida gapirish.

Talab qilingan o'quvchi topshiriqni bajara olmasa, unga boshqa o'quvchi yordam beradi. O'quvchining har qanday fikri dastlab sinfdoshlari tomonidan baholanadi, shundan so'ng o'qituvchi baholaydi. Shunday qilinsa, sinfdan jonlanish paydo bo'ladi. O'quvchilarning qiziqishlari ortishi natijasida qayta hikoya qilishning boshqa tomonlari rivojlanadi. Asardagi eng muhim o'rinlarni eslab qolish, so'zga diqqat bilan munosabatda bo'lish va nutqda undan ehtiyoqlik bilan foydalanishga harakat qiladilar.

Umuman, badiiy asar tahliliga boshlang'ich sinflardan boshlab e'tibor qaratilsa, o'quvchilar o'rganilgan asar mazmunini va g'oyasini yaxshi o'zlashtiradilar va yuqori sinfga ma'lum darajadagi tayyorgarlik bilan o'tadilar.


Abduhamid RAHMONOV,
Qashqadaryo VPKQTMOI maktabgacha va
boshlang'ich ta'lim kafedrasi o'qituvchisi

Bu sizning kitobingiz:
o'qing, o'rganing, asrang, avaylang!



этибор қаратилди. Атама, шунингдек, баён қилинган материалнинг дастурга, ажратилган соатларга мувофиқлиги ҳам инobatга олинди, — дейди қўлланма муаллифларидан бири М.Мирзааҳмедов.

— Ушбу ўқув дарсликлари фанлараро боғланиш, берилаятган билимларнинг ҳаёт ва амалиёт билан боғлиқлиги, ўқувчиларда мустақил фаолият кўникмаларини ривожлантира олиши каби



ЯНГИ ДАРСЛИК

УНДА ЎҚУВЧИНИНГ МУСТАҚИЛ БИЛИМ ОЛИШИГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛДИ

“O'qituvchi” нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан чоп этилган Ш.О.Алимов, О.Р.Холмухамедов ҳамда М.А.Мирзааҳмедов ҳаммуаллифлигида яратилган 8—9-синфлар учун “Алгебра” дарсликлари Давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларига мувофиқ ҳолда ёзилган. Ушбу дарсликларнинг қорақалпоқ, рус, тожик, туркман, қирғиз ва қozoқ тилларига таржимаси ҳам ўқувчилар қўлига ўқув йили бошидаёқ етиб борилади.



— Дарсликлар мазмуни ва вазифасини белгилашда, аввало, ўқувчиларнинг ёш ва психо-физиологик хусусиятлари ҳисобга олинди, илмий ва амалий аҳамиятга эга бўлган назарий маълумотлар, қонунқондалар, тушунчаларни бериш каби талабларга

жиҳатларни қамраб олганлиги билан ҳам характерлидир. Ҳар бир мавзуда айтилмоқчи бўлган фикр ва хулоса илмий жиҳатдан асосланган ва мисоллар орқали тушунтирилган. Мавзулар ҳажми ўқув режасида мўлжалланган дарс соатларига мос келиши билан бирга уларнинг тартибини, кетма-кетлигини белгилашда узвий боғлиқлик ҳам таъминланган.

— Дарсликларда ўқув материални баён қилишнинг мавзу тақдироти; мавзунини ривожлантириш; мавзудан чиқарилган хулоса, натижаларини қўллаш, мустаҳкамлаш тизимларига риоя қилинган, — дея эътироф этади Қарши шаҳридаги 2-ихтисослаштирилган мактабнинг олий тоифали математика фани ўқитувчиси Улуғбек Саъдиев. — Машқлар тизими “соддадан мураккабга” тамойили асосида тузилган бўлиб, бунда ўқувчиларнинг математик қобилиятлари турлича бўлиши, мавзуларни ўзлаштиришдаги мураккабликлар ҳисобга олинган. Дарсликлардаги мавзулар, масалалар тушунарли, раван тилда баён этилган. Шу билан бирга ўқувчиларни қизиқтирувчи, кичик бир тадқиқот қилишга чорловчи, қобилиятини намоён этишга имкон берадиган характерга эга. Ҳар бир бобда шу бобга доир тарихий маълумотлар, тарихий масалалар киритилган. Уларда фан ривожига улкан ҳисса қўшган буюк олимлар Мусо ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Мирзо Улуғбек ва бошқа олимлар ҳақидаги қизиқарли маълумотлар ўрин олган.

Муаллифлар М.Мирзааҳмедов, Ф.Усмонов, Ш.Арипованинг 8—9-синфлар учун “Алгебрадан масалалар тўплами” ҳам чоп этилиши ўқитувчилар ва иқтидорли ўқувчилар учун айни муддао бўлди. Тўпландан математика бўйича синфдан ташқари машғулотларда кенг фойдаланиш мумкин. Бу уларнинг ижодий салоҳиятини намоён этиб, тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантиришда асқотади.

Ғолиб БАХРОМОВ,
“Ma'rifat” мухбири



Она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Эркиной Кўшназарова илм масканида “Донолар ҳикмати — ҳаёт ибрати” тўғрагини ташкил этиб, ўқувчиларнинг дарсда олган билимларини мустаҳкамламоқда.

Ҳамза туманидаги 30-мактабда қарийб 30 йилдан бери ёшларга сабоқ бериб келаётган муаллиманинг атрофи хоҳ дарс пайтида бўлсин, хоҳ тўғарақда ўқувчилар билан гавжум. Бунинг боиси, ўқитувчининг ҳар бир дарсга ижодкорона ёндашишида.

— Ўқитувчининг ташаббуси билан мактаб ўқувчиларининг билимини ошириш мақсадида ижодий ишлар, деворий газеталар кўрик-танлови ҳамда китобхонлик кечалари уюштириб келмоқда, — дейди мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Қирмизой Ҳотамова. — Бу каби тадбирлар фан ойлигида ҳам давом эттирилди. Тадбирларда тўғарақ аъзолари фаол иштирок этдилар.



Б.РИЗОКУЛОВ олган сурат.

ПОЛИОМИЕЛИТГА ҚАРШИ ҚАЙТА ЭМЛАШ

у ота-оналарни масъулиятга чорлаши керак

Яқинда “ОАВ ва болаларни полиомиелитдан ҳимоя қилишда иммунизация масалалари” мавзусида бўлиб ўтган семинар мазкур касалликка қарши курашиш чора-тадбирлари масалаларига бағишланди. Семинарда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Халқаро журналистлар маркази, ЮНИСЕФ ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди. Гарчи Марказий Осиё минтақаси 2002 йилда полиомиелитдан холи ҳудуд деб эълон қилинган бўлса-да, глобал миқёсда полиомиелит вируси ҳануз тарқалаётганлиги, айниқса, Ўзбекистонга чегарадош бўлган айрим давлатларда ушбу касаллик ҳолатлари учраганлиги ўлкамизга

ушбу полиовирус келиши-

нинг олдини олишда изчил чора-тадбирлар кўриш кераклигини англатади.

Полиомиелит касаллиги қадимдан маълум бўлиб, айниқса, болалар ўртасида кенг тарқалган. Бу ўтқир юқумли касаллик марказий нерв системасини зарарлайди. Касаллик бемор билан ёки касаллик вирусини ташувчи билан мулоқотда бўлганда юқади. Ҳаво-томчи йўллари орқали, шунингдек, ифлосланган сабзавот, мева, қайнатилмаган сув, сут орқали организмга ўтади. Касаллик белгилари: беморнинг тана ҳарорати кўтарилди, йўтал, аксириш, қоринда оғриқ, ич кетиши кузатилади. Бу белгилар 4—5 кундан кейин ўтиб кетади. Бир ҳафтадан сўнг тана ҳарорати яна кўтарилди ва турли мускуллар, айниқса, оёқ-қўллар фалажи авж ола бошлайди. Фалажсиз полиомиелит юқори нафас йўлларининг ўтқир катари сифатида ёки меъда-ичак фаолиятининг бузилиши сифатида кечади.

Унга қарши вакцина яратилиши ва болалар ёппасига эмланганлиги боис касаллик тез камайди. Режали иммунизация ўтказилиши туфайли Ўзбекистон 2002 йилдан буён полиомиелитдан холи ҳудуд мақомини сақлаб келмоқда.

Жорий йилда 5 ёшгача бўлган болалар уч босқичда — 17—21 май, 7—11 июнь, 5—9 июнь кунлари полиомиелитга қарши эмлаш кунлари ўтказилди.

Семинарда соғлиқни сақлаш вазирлиги Иммунизация дастурлари раҳбари Дилором Турсунова 25—30 октябрда ўтказиладиган навбатдаги миллий эмлаш кунларига тайёргарлик ма-

салалари хусусида гапириб, бу босқич энди янги туғилган чақалоқлардан тортиб 15 ёшгача бўлган болаларда ўтказилишини қайд этди.

Оғиз орқали юбориладиган полиомиелит вакцинаси Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан тавсия этилган самарали ва хавфсиз восита сифатида эътироф этилган. Бу вакцина полиомиелитнинг кучсизлантирилган вирусларидан ишлаб чиқарилади ва оғизга томчилатиб юборилади. Кучсизлантирилган вирус инсон организмда иммунитет ҳосил қилади ва бу билан одамлар ҳатто ёввойи вирусга дучор бўлганларида ҳам уларни полиомиелит ривожланишидан ҳимоя қилади.

Salomatlik saboqlari



Полиовируснинг уч типидан бири мавжуд бўлиб, энг

хавфлиси биринчи тип ҳисобланади. Вирус орқа мияни зарарлаб, фалажликка олиб келади, нафас йўллари зарарлаганда эса нафас тўхтаб қолиши оқибатида ўлим ҳолати ҳам кузатилиши мумкин. Ўтказиладиган миллий эмлаш кунларида биринчи тип вирусига қарши вакцинация ишлари олиб борилмоқда. Болала ич кетиш ҳолатлари кузатиладиган эмлаш кечиктирилди.

Иммунизация дастурлари раҳбари Дилором Турсунованинг айтишича, вакцинация қилингандан кейин 12 фоиз одамда иммунитет ишлаб чиқилмаслиги аниқланган. Шу боис полиомиелитга қарши 5 марта эмлашдан кейингина бола организмда мустаҳкам иммунитет ҳосил бўлади. Ота-оналар ўз фарзандларининг полиомиелитга қарши ҳар бир босқичда эмланганлигига амин бўлиши керак. Барча болаларни бир вақтда эмлатиш ёввойи вирусни у жойлашиб олиши мумкин бўлган макондан маҳрум қилиш дегани. Полиовирус инсон организмга ўрнаша олмагач, атрофимиздаги муҳитда тезда нобуд бўлади. Эмлашнинг қайта-қайта ўтказилиши ота-оналарни чўчитмаслиги лозим. Оғиз орқали юбориладиган полиомиелит вакцинаси (ОВП) барча болалар, жумладан касалликка чалинган ёки янги туғилган чақалоқлар учун ҳам хавфсиз ва мазкур касалликка қарши ягона воситадир.

Эмлаш республикамызда бепул амалга оширилади. Айтиш жоизки, Миллий эмлаш кунларининг ўтказилиши мамлакатда вирус тарқалишининг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистоннинг иқтисодий тараққиёт йўли халқроқ доирада ҳам кенг эътироф этилмоқда. Бу бежиз эмас албатта. Зеро, дунёда кузатилаётган иқтисодий инқироз шароитида ҳам Ўзбекистон банкларининг активлари ҳамда капиталлашув даражаси ўсиб бораётир. Президентимиз раҳнамолигида ишлаб чиқилган ва амалиётга татбиқ этилган **"Инқирозга қарши чоралар Дастури"**, энг аввало, иқтисодийнинг қон томири ҳисобланган банкларнинг молиявий ҳолати ривожланишига шароит яратди. Айни пайтда, молия муассасаларининг ички имкониятларни кенгроқ очиш, иқтисодийни диверсификациялаш, унинг етакчи тармоқларини модернизация қилишдаги фаоллигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимиз Президентининг 2008 йил 11 ноябрдаги **"Иқтисодийнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Фармони қўллаб-қувватлашга асос бўлди. Бу жараён барча тармоқларда иқтисодий изчилликни юзага келтирди. Айниқса, кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш, аҳолини янги иш ўринлари билан таъминлашда муҳим омил бўлди.

"Агробанк" ОАТБ ҳам бу жараёнда фаол иштирок этиб, бир қанча ютуқларга эришди. Сўзимиз исботи учун, банк фаолиятидаги айрим мисолларга мурожаат этамиз: ўтган даврда банк томонидан умумий қиймати **28,5 миллиард сўм** бўлган жами **10та** иқтисодий ночор корхона банк балансида қабул қилинди. Улар фаолиятини соғломлаштириш мақсадида **11,1 миллиард сўм** миқдорда сармоя киритилди. Корхоналарнинг бтасида, хусусан, "Investeks-IB", "Агро-максус-тузатиш-созлаш", "Bog'ot Agro", "Samarkand Agromuz", "Karakalpak Mix Dairy" ва "Texugen" масъулияти чекланган жамиятларида ишлаб чиқариш фаолияти қайта тикланиб, 2та корхона янги инвесторларга сотилди. Корхоналарнинг иқтисодий ҳолатини яхшилаш учун киритилаётган сармоялар натижасида ишлаб чиқарилаётган айрим маҳсулотлар ҳажми ортаганлиги кузатилмоқда. Сармояларнинг 2,2 миллион АҚШ доллари миқдоридagi қисми экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилди. Жойларда 41та янги иш ўринлари очилди. Айни пайтда иқтисодий ночор корхоналарни ривожлантириш учун банк ва сармоядорлар маблағлари ҳисобидан 2,3 миллиард сўм миқдорда қўшимча инвестиция киритиш ҳамда тасаруфдаги корхоналар томонидан ишлаб чиқариш ҳажмини 695 миллион сўмга етказиш режалаштириляпти. Ушбу фикрларимизга янада ойдинлик киритамиз: Наманган вилояти Тўрақўрғон туманидаги "Ас-Шах" қўшма корхонаси 5,5 миллиард сўм туғатиш қийматида мулкый мажмуа сифатида банк балансида қабул қилинди. Бир йилда 1800 тонна оқартирилган ва бўялган трикотаж мато ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган ушбу корхона негизда янги "Investeks-IB" масъулияти чекланган жамияти ташкил этилди.

Хоразм вилоятидаги "Хоразм-максус-тузатиш-созлаш" акциядорлик жамиятини олайлик. У 3,3 миллиард сўм туғатиш қийматида мулкый мажмуа сифатида банк балансида қабул қилинганди. Корхонада иш ҳақи ва бошқа тўловлардан бўлган қарздорлик туфайли иқтисодий аҳвол анча ночорлашиб қолганди. "Банкротлик тўғрисида"ги Қонун талабларига асосан банк томонидан 280,1 миллион сўм миқдорда иш ҳақи ва бошқа тўловлар тўлаб берилди. Корхона негизда устав жамғармаси 3,5 миллиард сўмга тенг бўлган "Агро-максус-тузатиш-созлаш" МЧЖ ташкил этилди. Бугунга келиб бу ерда хориждан келтирилган қишлоқ хўжалик техникаларига эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш ва юртимиз корхоналарида йиғилган қишлоқ хўжалик машиналарига хизмат кўрсатиш йўлга

аукцион савдолари орқали 163,2 миллион сўмга сотиб олинди. Мутлақ яроқсиз ҳолга келган ишлаб чиқариш цехлари ҳамда коммуникация тизимини тиклаш мақсадида банк томонидан тегишли идораларнинг техник талабларидан келиб чиққан ҳолда лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш, корхонани айланма маблағ билан таъминлаш ва модернизациялаш мақсадида белгиланган жадвалга асосан 437 миллион сўм миқдорда маблағлар киритилди.

Иссиқхона шароитида атиргул етиштириш бозор талабига мос маҳсулот ҳисобланади. Бирок ишнинг кўзини билмаслик, унинг бироз оғир меҳнатидан қочиш ҳар қандай та-



"АГРОБАНК": БАРҚАРОР ФАОЛИЯТ УЧУН САРМОЯЛАР

улар мамлакатимизда ишлаб чиқариш жараёнларининг изчиллашуви, ёшларни янги иш ўринлари билан таъминлаш салмоғининг ортиши, маҳсулотлар экспорти кўламининг кенгайишига олиб келмоқда

кўйилди. Корхона фаолиятини тиклаш ва айланма маблағларни тўлдириш мақсадида жорий йил давомида 204 миллион сўм сармоя киритилди. Энг муҳими, фаолияти қайта тикланган корхонада 87та ишчи ўрни яратилди.

Самарқанд вилоятидаги "Samarkand Agromuz" МЧЖ корхонаси музқаймоқ ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан шуғулланарди. У ишга туширилгач, 26та янги иш ўринлари яратилди. Бирок, орадан кўп ўтмай, корхона иқтисодий ночор аҳволга тушиб қолди. Уни боши берк кўчадан олиб чиқиш мақсадида мажмуа сифатида банк балансида қабул қилинди, "Банкротлик тўғрисида"ги Қонун талабларига асосан, корхона ишчи-хизматчиларига 55 миллион сўм миқдорда иш ҳақи ва навбатдан ташқари маблағлар тўлаб берилди. Корхонага 319 миллион сўм миқдорда инвестиция киритилди ва музқаймоқ ишлаб чиқариш цехи бино ва иншоотлари, электроэнергия, сув таъминоти тизими ҳамда 430 донна музлаткичлар таъмирланди. Натижада, кўзларни қувонтирадиган ҳолат юзага келди. Қўшимча 20та ишчи ўринлари яратилиб, биринчи йилда 20 фоиз, иккинчи йилда 25 фоиз ва учинчи йилда 50 фоиз қувватларда маҳсулот ишлаб чиқариш режалаштирилмоқда.

Банкнинг қўллаб-қувватлаши натижасида "Karakalpak Mix Dairy" корхонасининг ҳам фаолияти қайта тикланди. Бу ерда олдин "Хўжайлисут" жамияти фаолият юритар эди. Ишлаб чиқаришни тиклаш мақсадида банк томонидан

шаббусни ҳам чиппака чиқараркан. Буни Тошкент вилоятидаги "Аграр технологиялари" қўшма корхонаси мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Бор имкониятдан тўғри фойдалана олмаган жамоа ночор аҳволга тушиб қолди ва банк балансида олинди. Натижада, ушбу корхона негизда низом жамғармаси 1,5 миллиард сўм бўлган "Fresh Rose" МЧЖ ташкил этилди. Корхонага 230 миллион сўм миқдорда сармоя киритиш кўзда тутилган. Бугунгача унинг 150 миллион сўми корхона ҳисоб рақамига келиб тушди. Мазкур лойиҳани амалга оширишнинг иккинчи босқичида корхона қршидаги 2 гектар ер майдонини ўзлаштириш учун 1 миллиард сўм миқдорда сармоя киритиш устида иш олиб борилмоқда. Ишлаб чиқилган бизнес режага кўра, мазкур лойиҳа доирасида йилига 1800 минг донна сара атиргуллар етиштирилади. Корхонада янги очилган 25та иш ўрни маҳаллий ёшларни иш билан таъминлаш имконини берди.

Иқтисодий ночорлиги туфайли банк балансида олинган корхоналардан яна бири бу — "Марғилон Текстиль" қўшма корхонасидир. Унинг негизда низом жамғармаси 7 миллиард сўмдан иборат янги "Texugen" масъулияти чекланган жамияти ташкил қилинди. Корхона йилига 3600 тонна калава или ишлаб чиқариш қувватига эга. Германия, Чехия ва Туркия давлатларидан келтирилган замонавий ускуналар билан таъминланган корхонани салоҳияти инвесторга босқичма-босқич тўлаш шарти билан 2010 йилнинг ав-

густ ойида 7,7 миллиард сўмга сотилди. Бугунги кунда янги инвестор томонидан 250 миллион сўм миқдордаги сармоя киритилиб, 110та иш ўрни қайтадан тикланди. Корхона жамоаси шу йилнинг 1 октябрига қадар 540 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга эришди.


Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 11 декабрдаги **"2010—2012 йилларда Қўқон шахрининг саноат салоҳиятини ривожлантириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва маҳаллийлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Қўқон шахрида жойлашган "Кўнчи" ОАЖ ва "Кўқон сут маҳсулотлари" МЧЖ ноль қийматда сармоя киритиш шарти билан банк балансида қабул қилинганлиги навбатдаги тахлилларимизга асос бўлади.

"Агробанк" мутахассислари корхона ҳудудида терини қайта ишлашга мўлжалланган технопарк ташкил этиш учун 3 миллион АҚШ доллари миқдордаги сармоя киритиш мажбуриятини олган. Режалаштирилган инвестициянинг 500 минг АҚШ доллари ишлаб чиқариш цехини таъмирлашга сарфланади. Яна 500 минг АҚШ доллари миқдордаги сармоя чиқиндиларни тозалаш тизимини тиклашга, 700 минг

ердаги хомашё базасини шакллантириш, цех биноларини таъмирлаш, сут маҳсулотларини қабул қилиш ва сақлашга мўлжалланган ускуна сотиб олиш шулар жумласидандир. Ана шу ишларга банк томонидан жами 650 миллион сўм миқдорда қўшимча сармоя киритилиб, корхонада 15та янги иш ўрни очилди. 2010 йилнинг кўзда тутилган, соатига 500—600 килограмм музқаймоқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш имконияти юзага келади.

Банк жамоаси ана шундай хайрли ишларни амалга ошириш билан бирга, "Агробанк" ОАТБ томонидан ташкил этилган "Agroinvest-Recovery" инвест-компанияси фаолиятини самарали ташкил этиш юзасидан ҳам бир қатор тадбирларни амалга оширишга эришди. Энг аввало, унинг штат жадвали ва структурасига ўзгартиришлар киритилди. Инвест-компаниянинг устав жамғармасини 10 миллиард сўмга ошириш бўйича банк кенгашига таклиф берилди. Буларнинг барчаси мамлакатимиз аҳолиси турмуш фаровонлигини юксалтириш йўлидаги самарали ишлар деб ҳисобланади.

"Агробанк" ОАТБ жамоаси мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнларида янада фаолроқ иштирок этишга ҳаракат қилмоқда. Бу, нафақат корхоналарни иқтисодий ривожлантириш, Ўзбекистоннинг экспорт салоҳиятини янада юксалтиришдаги ҳаракатларда, балки мамлакатимизда ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, талабалар-



АҚШ доллари эса янги электр энергия ва газ етказиб бериш тизимини жаҳон андозалари даражасида қайта қуриб, станциялар сотиб олишга, 300 минг АҚШ доллари эса муҳандислик-коммуникация иншоотини вужудга келтиришга, 1 миллион АҚШ доллари ускуна сотиб олишга сарфланиши кўзда тутилган.

"Кўқон сут маҳсулотлари" МЧЖ банк балансида қабул қилинган, унинг негизда "Kokand Milk Quality" МЧЖ расмий қайддан ўтказилганди. Ҳозир ана шу жамоанинг меҳнат фаолиятини қайта тиклаш учун банк томонидан 1,2 миллиард сўм миқдордаги қўшимча сармоя киритилиши режалаштирилган. Мазкур лойиҳанинг биринчи босқичи амалга ошса, йилига 5 минг тонна сут маҳсулотларини қайта ишлаш имконияти юзага келади. Қўшимча 30та янги иш ўринлари очилади. Бу


га таълим кредитлари ажратиш борасидаги хизматларда ҳам яққол кўзга ташланади. "Агробанк" томонидан ёш оилалар ҳамда талабалар учун жорий этилган омонат турлари ёшларга ўз мустақил фаолиятларини йўлга қўйиш имконини бермоқда. Айниқса, олий ўқув юртлари талабалари фойдаланаётган "WIZA" ва бошқа турдаги "Агробанк" электрон тўлов картчалари савдо шохобчаларидаги ўзаро ҳисоб-китобларда талаба-ёшларга бир қатор қулайликлар туғдирмоқда. Яна бир ибратли жиҳат шундаки, "Агробанк" ўз фаолияти давомида халқимиз турмуш фаровонлигини юксалтириш, фан ва техника тараққиётига ҳисса қўшиш, ilm-fan янгиликларини юзага келишига қўмаклашишга ҳам асосий эътиборни қаратиб келаётир.

Шодиёр МУТАХАРОВ

М

ИЗОХ ТОПИЛДИ(МИ?)

Италиядаги астрофизика миллий институтининг бир гуруҳ астрономлари Марснинг табиий йўлдошларидан бири Фобос ўта кучли тўқнашув натижасида орбитага чиқарилган қолдиқлардан шаклланган, деган фикрни ўртага ташлади. Бу ҳақида «Компьюлента» манбасида хабар қилинди.



Римда бўлиб ўтган Европа сайёралар бўйича тадқиқотлар жамияти конгрессида Фобоснинг инфрақизил спектрлари таҳлили натижалари эълон қилинди. Уларга таяниб Марс йўлдошлари чиндан ҳам табиий жараёнлар натижасида пайдо бўлганини мутахассислар таъкидлашмоқда.

— Тадқиқотлар пайтида илк маротаба Фобос юзасида, аниқроғи, унинг шиоли-шарқий қисмидаги Стикни кратерида филлосиликат деб аталувчи минералларни аниқладик, — деди олимлардан бири Марко Журанна. — Филлосиликат бу қатламли кремнийдан иборат модда бўлиб, у сувсиз ҳосил бўлмайди. Қолаверса, Марсда ҳам айнан шу модданинг борлиги сайёрада қачонлардир сув бўлганига далил вазифасини ўтаган.

Мутахассиснинг таъкидлашича, бу ҳолат таркибида кремний бўлган материал(филлосиликат)нинг сув билан таъсири Фобос шаклланишидан аввал рўй берган. Бошқача қилиб айтганда, Марс юзасида кучли тўқнашув содир бўлган ва бунинг натижасида ажралган қисмлар бирлашиб, табиий йўлдошни вужудга келтирган. Ҳуқунда тадқиқотчи фаразларнинг қанчалик тўғри эканини далиллаш учун Фобос тупроғини янада батафсилроқ таҳлил этиш зарурлигини ҳам маълум қилди.

ЕРНИНГ УЧ УЛЧАМЛИ ХАРИТАСИ



Орбитадаги Германияга қарашли иккита сунъий йўлдош сайёрамизнинг энг батафсил уч ўлчамли, яъни 3-Д шаклини тез орада яратиши кутилмоқда. TanDEM-X ва TerraSAR-X йўлдошлари бир-биридан атиги 350 метр узоқликда Ер устидан секундида 7 километр тезликда учиб ўтади. Бу ҳақида sciencedaily.com электрон саҳифасида маълум қилинди.

Тез орада самовий аппаратлар Ер ландшафтини юқори даражадаги аниқликда ўрганишни бошлади. Мутахассисларнинг таъкидлашича, рельеф (Ер тузилиши паст баландлиги)нинг рақамли кўринишидан турли мақсадлар ва йўналишларда самарали фойдаланиш мумкин. Уларга, хусусан, ҳавода ҳаракатланиш(навигация)ни хавфсиз амалга оширишдан тортиб сайёрамизнинг қай ҳудудлари турли табиий офатлардан зарар кўриши мумкинлигини аниқлаш каби вазифалар киритилади.

— Ушбу сунъий йўлдошлар 2007 йили орбитага чиқарилганди, — деди Германия космик агентлиги ходими Манфред Цинк. — Шу пайтгача улар имкон қадар бир-бирига яқин масофага келтирилди. Очиги, мазкур вазифа кутилганидан ҳам мураккаброқ экан. Эндиликда асосий мақсадни амалга оширишга қаратилган ишлар бошлаб юборилади.

Орбитада аппаратлар фаолияти шундай ташкил этилганки, уларнинг тўқнашиб кетиш эҳтимоли жуда ҳам паст эканини мутахассис таъкидлади. TanDEM-X ва TerraSAR-X бир-бири атрофидан айланиб, 3 йил давомида керакли маълумотларни йиғади. Жараёнда уларнинг бир-бирига энг яқин келадиган масофаси 200 метрни ташкил этиши кутилмоқда.

Сунъий йўлдошларга ўрнатилган радарлар ер юзаси ва сув сатҳига мунтазам равишда сигналлар жўнатади. Уларнинг етиб бориш ва қайтиш вақтидан келиб чиқиб, махсус асбоблар ёрдамида ўлчанаётган объектнинг баландлиги белгиланади. Бунда аппаратларнинг бири сигнал қабул қилувчи ва узатувчи, иккинчиси эса фақат қабул қилиш ускунаси сифатида ишлаб, стереоскопик (бўртма) тасвир ҳосил қилади.



ТАРВУЗ — ДАРМОНДОРИ

Флорида университети олимлари томонидан ўтказилган тадқиқот натижалари тарвуз юрак-қон томирлари касалликларининг дастлабки аломати ҳисобланган қон босими ошишига қарши энг самарали табиий дори воситаси эканини кўрсатди. Мавзуга ба...

ғишланган мақола «Жоурнал оф хайпертенжн» («Journal of Hypertension») нашрида чоп этилди.

Профессорлар Артуро Фигуэроа ва Баҳром Аржумандий томонидан ўтказилган ушбу изланиш инсон организмиде синалгани билан ўзига хосдир. Жараёнда мутахассислар кунига 6 грамм тарвуз экстрактидан олинадиган цитруллин (L-citrulline) аминокислотасини истеъмол қилиш артерия томирлари фаолиятини яхшилашини кузатган. Натижада, 6 ҳафтадан сўнг тажрибага жалб этилган барча қатнашчиларнинг қон босими пасайгани қайд этилган.

— Тадқиқот шуниси билан аҳамиятлики, у орқали озиқ-овқат маҳсулоти ёрдамида энгил гипертония (қон босими кўтарилиши)нинг оғир шаклга ўтишининг олдини олиш мумкин, — деди профессор Артуро Фигуэроа.

Аниқланишича, цитруллинга бой бўлган тарвуз истеъмол қилиш орқали организмда яна бир турдаги аргинин (L-arginine) аминокислотаси ҳосил бўлиши ҳам кузатилган. Ўз навбатида, аргинин томирлар фаолияти ва қон босимини мувофиқлаштириш учун жуда зарур азот оксидини ишлаб чиқаради.

Мутахассис сўзларига қараганда, цитруллин организмга тушиши билан аргининга айланади. Тайёр аргинин моддасини истеъмол қилиш кўп ҳолатларда беморларда кўнгил айнаши, ошқозон-ичак фаолияти бузилишига олиб келади. Тарвузни ейишда эса аксинча бундай ҳолатлар кузатилмайди. Юрак-қон томирлари учун фойдали бўлган цитруллиндан ташқари яна тарвуз организмни А, В6, С витаминлари, калий ва кўплаб бошқа озуқа моддалари билан таъминлайди.

Профессор Баҳром Аржумандий цитруллинни истеъмол қилиш орқали (бунда тарвуз назарда тутилган) қон босими баландлигидан азият чекадиган инсонлар дори-дармонларга ортиқча эҳтиёж сезмайдиган бўлганини таъкидлади.



МИЯ ХУЖАЙРАЛАРИНИ ЗАРАРЛАЙДИ

Неврологик инфекцияларни ўрганишга ихтисослашган Канаданинг Альберт университетиде С турдаги гепатит касаллиги вируси бош мия хужайраларига жиддий путур етказиши аниқланди. Яъни, баъзи беморларда вирус туфайли асаб тизими фаолиятида бузилишлар кузатилади экан. Эътиборлиси, шу кунга қадар бу фикр фақат илмий тахмин бўлиб қолаётган эди, деб ёзади «Фи-зорг» манбаси.


Тадқиқот пайтида С гепатити аниқланган одамларнинг 13 фоизиде асаб касалликлари ҳам кузатилиши аниқланган. Профессор Крис Пауэр бошчилигидаги бир гуруҳ олимлар мазкур фикрни амалда далиллашга эришди.

— С гепатити билан оғриган беморларнинг бири вафот этгач, унинг миёсиде касаллик вируси борлиги аниқланди, — деди тадқиқотчи. — Одатда инсон организми исталган вирусга қарши курашади ва камдан-кам ҳолатде инфекция қон қаршилигини енгиши мумкин.

Тадқиқот туфайли олимлар хасталик борасидеги қатор янги маълумотларга эга бўлди. Биринчидан, касаллик вируси инсоннинг ҳаракат фаолияти, хотира ва диққатни жамлашга масъул нейронларга зарар етказар экан. Иккинчидан, инфекция туфайли миёда яллиғланиш юзага келиб, нейронларнинг катта қисми нобуд бўлиши мумкин. Қолаверса, вирус мия хужайралариде кечадиган табиий жараёнлардан бири автофагия, яъни зарраларнинг кераксиз заҳарли моддалардан халос бўлишига тўсқинлик қилади. Бунинг оқибатиде зарарланган хужайраларде заҳарли оқсиллар кўп миқдорде тўпланади ва мия фаолиятиде бузилишлар кузатилади.

Профессор Крис Пауэрнинг таъкидлашича, тиббиёт амалиётиде С гепатити билан оғриган инсонларде хотира билан боғлиқ муаммолар кузатилган. Бу эса ўз навбатида ташхислашда қийинчилик туғдиради. Эндиликде тадқиқот натижалари туфайли мазкур неврологик ўзгаришлар сабаби борасиде тушунчага эга бўлинди. Аҳамиятлиси, илмий янгилик асосиде муолажанинг янгича методлари ишлаб чиқилишига имкон туғилди.

Н.РУСТАМБЕКОВА тайёрлади.



Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги 2010 йилда умумий ўрта таълим мактаблари учун электрон ахборот-таълим ресурсларини яратиш юзасидан ўтказилган XTV-EATR 01/2010RE-рақамли тендер савдолари натижаларини

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

№	Лот рақамлари	Электрон ахборот-таълим ресурси номи	Синфи	Ғолиб ташкилот номи
1.	№ 1	Инглиз тили	5-синф	"Extremum Press" ХК
2.	№ 2	Немис тили «Deutsch!»	5-синф	"Extremum Press" ХК
3.	№ 3	Француз тили	5-синф	"MG Elektro" МЧЖ
4.	№ 4	Рус тили (таълим ўзбек ва қардош тиллардаги мактаблар учун)	6-синф	"Intelligent Group" МЧЖ
5.	№ 5	Рус тили (таълим рус тилидаги мактаблар учун)	6-синф	"Intelligent Group" МЧЖ
6.	№ 6	Адабиёт (таълим рус тилидаги мактаблар учун)	6-синф	"Intelligent Group" МЧЖ
7.	№ 7	Адабиёт (таълим қорақалпоқ тилидаги мактаблар учун)	6-синф	Delta Net МЧЖ
8.	№ 8	Немис тили «Assalom, Deutsch!»	6-синф	"Extremum Press" ХК
9.	№ 9	Француз тили	6-синф	"MG Elektro" МЧЖ
10.	№ 10	Рус тили (таълим ўзбек ва қардош тиллардаги мактаблар учун)	7-синф	"Intelligent Group" МЧЖ
11.	№ 11	Рус тили (таълим рус тилидаги мактаблар учун)	7-синф	"Intelligent Group" МЧЖ
12.	№ 12	Адабиёт (таълим рус тилидаги мактаблар учун)	7-синф	"Инфо медиа техноложис" МЧЖ
13.	№ 13	Адабиёт (таълим қорақалпоқ тилидаги мактаблар учун)	7-синф	Delta Net МЧЖ
14.	№ 14	Немис тили «Assalom, Deutsch!»	7-синф	"Extremum Press" ХК
15.	№ 15	Француз тили "Bon voyage"	7-синф	"MG Elektro" МЧЖ
16.	№ 16	Рус тили (таълим ўзбек ва қардош тиллардаги мактаблар учун)	8-синф	"Intelligent Group" МЧЖ
17.	№ 17	Рус тили (таълим рус тилидаги мактаблар учун)	8-синф	"Intelligent Group" МЧЖ
18.	№ 18	Адабиёт (таълим рус тилидаги мактаблар учун)	8-синф	"Инфо медиа техноложис" МЧЖ
19.	№ 19	Адабиёт (таълим қорақалпоқ тилидаги мактаблар учун)	8-синф	"Extremum Press" ХК
20.	№ 20	Немис тили «Assalom, Deutsch!»	8-синф	"Extremum Press" ХК
21.	№ 21	Француз тили «Le nouveau voyage en France»	8-синф	"MG Elektro" МЧЖ
22.	№ 24	Ўзбек тили (таълим рус ва қардош тиллардаги мактаблар учун)	9-синф	"Extremum Press" ХК
23.	№ 25	Рус тили (таълим рус тилидаги мактаблар учун)	9-синф	"Intelligent Group" МЧЖ
24.	№ 26	Адабиёт (таълим рус тилидаги мактаблар учун)	9-синф	"Инфо медиа техноложис" МЧЖ
25.	№ 27	Адабиёт (таълим қорақалпоқ тилидаги мактаблар учун)	9-синф	"Extremum Press" ХК
26.	№ 28	Немис тили «Assalom, Deutsch!»	9-синф	"Extremum Press" ХК
27.	№ 29	Француз тили «D'un Etat a l'autre»	9-синф	"MG Elektro" МЧЖ

ЎЗМУ қошидаги Олий педагогика институти жамоаси институт ходими Ноибохон Тошмухамедовага ўғли **Бобуржон ТОШМУХАМЕДОВ**нинг вафоти муносабати билан ҳамдардик билдиради.

Илк бор илм оламига кириб келган ёш мутахассисман. Ўқитувчининг вазифаси болаларга билим бериш, уларни мустақил ҳаётга тайёрлаш эканлигини яхши биламан. Бироқ, қандай ўқитиш керак, таълимнинг қонуниятлари тўғрисида тасаввурим аниқ эмасди. Нима қилмоқ керак? У даврларда педагогик тадқиқотларни ўтказиш методикаси йўқ эди хисоби.

Қўлимга бир журнал тушиб қолдию, йўқотган нарсамни топиб олгандек бўлдим. У дидактик планда педагогик тадқиқотларни ўтказиш методикасига бағишланган бўлиб, ҳозирги вақтга қадар ўзига хос педагогик асар сифатида хотирамда қолган. Тўғриси, каминани ил-

ГЕОГРАФИЯ ФАНИ ЖОНКУЯРИ

Ta'lim fidoyilari

мга етаклаган ўша журналдаги мақола эди. Қарангки, мақола муаллифи Паёз Мусаев Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институтида илмий ходим бўлиб ишлар ва мен шу институтда икки-уч ҳафта ишлаган бўлсам-да, танишишга улгурмаган эканман. Ана шу журналдаги мақола бизни бир-биримизга яқинлаштиргандек бўлди. Шу-шу ёшим улугроқ бўлса-да, мен у кишини «Устоз, Паёз ака» деб мурожаат қила бошладим.



Олимлар борки, уларнинг кўпчилиги тор доирада — ўзининг фани чегарасидан чиқолмайди. Шу маънода устозни Ўзбекистоннинг етакчи дидактик

олими дегим келади. Чунки у мактаб таълими мазмунини қобиғидан мағзигача биладиган зукко олимдир.

«Таълим сарҳадлари» китобига мақоласи киритилган таниқли адабиётшунос олимлардан бири Паёз Мусаев ҳақида шундай фикр билдиради: «Жаҳон педагогика илмидаги илғор назарий қарашлардан яхши хабардор бўлган Паёз ака таълимни гуманизациялаш, яъни унга имкон қадар инсоний қиёфа бахш этиш, таълим-тарбияда тарбияланувчининг бош қадриятга айланишини таъминлашга

алоҳида эътибор қаратади».

Дарҳақиқат, бир инсонга бериладиган таърифлар турлича бўлиши мумкин. Аммо уларнинг муштарак жиҳати ҳам бор, бу баҳо-ларда маърифатпарварлик гоёлари яққол сезилиб туради. Етук ва забардаст олим, Ўзбекистонда география фани ва илми ривожига катта ҳисса қўшган мутахассис Паёз Мусаевга бериладиган таърифда ҳам ана шу гоёлар кўзга ташланиб туради.

Аҳмаджон УМРОНХЎЖАЕВ,
педагогика фанлари номзоди, профессор

ИЛМ — ОЎНМАС ЗИЁ



Таниқли шарқшунос ва манбашунос олим Исмадулла Абдуллаев барчага ибрат бўлгудек сермазмун ҳаёт кечирди. У ўрта мактабни тамомлагач,

Наманган ўқитувчилар институтига ўқишга кирди. Илмга қизиқиши уни кейинчалик Ўрта Осиё давлат университетида етаклади. 1960 йили Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институтида иш бошлаган ёш олим илмнинг заҳматли, минг бир синовли, чакир сўқмоқларидан сабот билан ўтиб, нафақат республикада, балки МДХ ва хорижий Шарқ мамлакатларида ҳам манбашунос-шарқшунос сифатида танилди.

Исмадулла Абдуллаевнинг илмий фаолияти Мовароуннаҳр ва Хуросон шоирларининг араб тилидаги шеърининг ўрганишга бағишланган бўлиб, бу соҳада 250га яқин илмий ишлари, 160дан ортиқ илмий-оммабоп ва публицистик мақолалари чоп этилган. У буюк ватандошимиз Абу Райҳон Берунийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарининг ўзбекча таржимасига муҳаррирлик қилган. Шунингдек, Исмадулла Абдуллаев тасаввуф оламининг буюк намояндаси Баҳовуддин Нақшбанд ҳаётига оид ўнлаб илмий мақолалар эълон қилди. Ўзбек мумтоз адабиётининг буюк намояндаси Бобораҳим Машраб ижодини тадқиқ эта бориб, унинг ҳали фанга маълум бўлмаган юзга яқин шеърини чоп эттирди.

Ўтган асрнинг 80-йиллари охирида «Тошкент оқшоми» газетаси саҳифаларида олим томонидан Навоий, Огаҳий, Фузулий, Машраб, Хувайдонинг машҳур газаллари шарҳи мунтазам бериб борилган.

И.Абдуллаевнинг республикамиз ободончилиги, шаҳарларимиз қиёфаси, халқ фаровонлиги, бу борада йўл қўйилаётган баъзи камчиликлар ҳақидаги кўплаб мақолаларида муҳим ҳаётий масалалар ўрта-

га ташланади, танқидий мулоҳазалар билдирилади. Илмий мақолаларида олим араб тилидаги адабиётнинг нодир манбаси бўлган «Йатимат ад-дахр» («Замонасининг дурдонаси») тазкираси, унинг муаллифи машҳур адиб, тилшунос ва тарихчи олим Абу Мансур ас-Саолибий (961-1038) ҳақида, шу асарга кирган марказий осиелик шоирлар тўғрисида маълумотлар ва уларнинг асарларидан парчалар келтириб, халқимизни X-XI асрда яшаган аждодларимизнинг араб тилидаги шеърини билан таништирди.

1993 йили унинг ташаббуси билан Наманган давлат университетининг филология факультетида Шарқ тиллари кафедраси ташкил этилиб, тарих факультетида ҳам Шарқшунослик бўлими фаолият бошлади. Бу бўлимга пойтахтдан бир қатор малакали муаллимлар таклиф этилди. Олим умри давомида тўплаган 3500 дан ортиқ нодир китобларни НамДУ нинг илмий кутубхонасига туҳфа этди.

Филология фанлари доктори, профессор И.Абдуллаевнинг фанга бахшида умри ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланиб, унга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби унвони, Беруний номидаги Давлат мукофоти берилган.

И.Абдуллаев фаннинг ўзига хос мураккаб соҳаси ҳисобланган манбашуносликда 300 босма табоққа яқин илмий иш чоп эттирган олимдир. У кишининг оиласи ҳам барчага ибрат бўлгулик. Устоз оиланинг намунали бўлиши учун ота ва она ўртасида ўзаро ҳамжихатлик бўлиши, исрофгарчиликка йўл қўймасликка эътибор бериш кераклигини кўп таъкидларди.

Ҳаётлигида ўз халқининг тараққий этиши учун толмай хизмат кўрсатган инсонлар хотираси абадий сақланиб қолади. Бунга устоз Исмадулла Абдуллаевнинг ёрқин ва сермазмун умри яна бир далилдир.

Миробид ИНОЯТОВ,
А.Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институти доценти,
Дилфуза НАСРИДДИНОВА,
Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви илмий ходими

Дунёда шундай кишилар яшаб ўтадики, улар ўзларининг қисқа, лекин сермазмун умрлари давомида инсонларга фақатгина эзгулик улашиб, барчанинг қалб тўридан бир умрга жой олади. Ана шундай фидойи инсонлардан бири Тошкент шаҳар Ҳамза туманидаги 216-мактабнинг собиқ директори, жонкуяр, қалбидарё ва меҳнатсевар инсон, чехрасидан нур ёғилиб турадиган Мавжудохон Воҳидова эди. Орамиздан бевақт кетган бўлса-да, у киши умрининг қисқа фурсатларидан унумли фойдалана олди, тинимсиз ўқиш, ижодий изланишлар натижасида ўзидан ўчмас из қолдиришга эришди, десак муболага бўлмайди.

Ёшлигидан гуманитар фанларга бўлган қизиқиши Мавжудани Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти томон етак-

ташкилий, назарий ва амалий ишлар олиб борди. Мактаб жамоасининг ишончини қозона олган Мавжуда 2002 йилдан мактаб директори лавозимида иш фаолиятини давом эттирди. Унинг тарих фанига нисбатан фидойилиги, қисқа вақт ичида у бошқараётган мактаб республика мактаблари учун Ўзбекистон тарихи ва жаҳон тарихидан тузилган дастурлар, улар асосида яратилган ўқув-методик қўлланмалар ва дарсликларни тажрибадан ўтказадиган экспериментал мактаб мақомига эга бўлди. Шунингдек, ушбу мактаб Тошкент шаҳар педагоглар малакасини ошириш институти тингловчилари учун ҳам таянч мактабига айланди.

Мавжуда Воҳидова катта ташкилотчилик қобилиятига эгаллиги сабабли жамоат ишларида ҳам

ЭЗГУЛИК ЭЛЧИСИ

лади. Тарих фанига кучли эътибори ва тарихий манбаларга қизиқиши унинг бу соҳада катта ютуқларни қўлга киритишига бирламчи омил бўлиб хизмат қилди. Дастлабки тадқиқоти бўлган «Ўзбекистон халқлари тарихини ўрганишда ўлкашунослик материалларидан фойдаланишнинг илмий-методик ва дидактик асослари» мавзусидаги диплом ишини ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан муваффақиятли ҳимоялади.

Мавжуда ўз иш фаолиятини 1974 йилдан 216-мактабда тарих фани ўқитувчилигидан бошлади. Йиллар давомида ўзидаги тиришқоқлик, ташаббускорлик хислатлари билан у мактаб жамоасининг ҳам эътиборини қозона олди. 1998 йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон ФА Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ 216-мактаб тарих фанини чуқур ўргатишга ихтисослаштирилган таянч мактаби мақомига эга бўлди. Мазкур қарорнинг ижросида табиийки, Мавжудохон катта

фаол иштирок этди. Масалан, узок йиллар давомида республика Таълим марказининг тарих бўлимида илмий кенгаш аъзоси, ижтимоий адабиётлар ва дарсликларни нашрга тавсия этиш бўйича «Республика ишчи комиссияси» аъзоси сифатида самарали фаолият юритди. Умрининг сўнгги кунларигача ўзининг меҳнатсеварлиги, илмга ташналиги, ўқитувчилик касбига бўлган меҳри, айниқса, устозларга чексиз ҳурмати билан алоҳида ажралиб турарди. Унинг таълим соҳасидаги фидойилиги давлатимиз томонидан муносиб баҳолалиб, «Меҳнат шухрати» ордени билан тақдирланди.

М.Воҳидованинг қисқа, лекин сермазмун умри зое кетмади. Касбдошлари, устоз ва шогирдлари, унинг доимо серғайрат, илмга интилувчан ва барча яхши инсоний фазилатларни ўзида умумлаштира олганлиги ҳақида тўлқинланиб сўзлашади. Жонкуяр устознинг ўзидан қолдирган кўплаб ижодий ишлари бугун ҳам ёш авлод тарбиясида ўз самарасини бериб келмоқда. У ўзидан ёрқин хотира қолдирди.

Турғун ҳожи ТОШПҮЛАТОВ,
ЎзДЖТУ доценти

Қарийб бир ҳафта мобайнида Республика олимпия захиралари теннис мактаби кортларида эркаклар ўртасидаги "Тошкент-Челленжер-2010" анъанавий халқаро теннис турнири ўз ниҳоясига етди.

ХАБАРЛАР

ойдинлашмоқда. Демак, Олий лигага берилувчи иккинчи қимматли йўланма айнан жиззахликларга насиб этиши мумкин.

Биринчилиқнинг яқкалик муҳорабалари қизгин курашлар остида ўтди. Унинг ҳал қилувчи матчида словакиялик Карл Бек ва люксембурглик Жилл Мюллер ўзаро рўбарў келди. Мурасасиз давом этган финал учрашувида Карл Бек яққол устунликка эришди ва жорий йилдаги қимматли совринни ўзининг шахсий газнасига қўшиб қўйди. Ҳисоб 6:7, 6:4, 7:5 кўринишини олди.

Жуфтлик ўйинларида эса буюк британиялик ракеткачилар дуэти Росс Хатчинс ва Жемс Мюррей словакиялик Филипп Поласек ва Карл Бек жуфт-лигига қарши кортга чиқди. Муҳлислар диққат марказида турган мазкур ҳал қилувчи матчида 2:6, 6:4, 10:8 ҳисоби қайд этилди. Шу тариқа британиялик спортчилар шоҳсупага кўтарилди.

Футбол бўйича Ўзбекистон XIX миллий чемпионати биринчи лигасида иккинчи давра ўйинларининг 14-тур матчларидан сўнг келгуси йилдан фаолиятини олий лигада давом эттириши мумкин бўлган жамоалар номи маълум бўлди.

Ана шундай қувончли дақиқаларга "Бухоро" клуби футболчилари эришди. Эндиликда қолган ўйинларни қандай натижа билан яқунласа ҳам бухороликларни биринчи ўриндан ҳеч ким кўзгатолмайди.

Сўнгги турлардан бирида Қибрайнинг "Дўрмон-Спорт" жамоасини 4:0 ҳисобида енгган "Сўғдиёна" клуби мусобақани иккинчи ўринда яқунлаши

Биринчи лиганинг жорий йилдаги мавсуми яқунланишига 2та тур қолганида учинчи ўрин соҳиби бўлиш учун пойтахтнинг "Локомотив-БФК" ва Сирдарёнинг "Гулистон" жамоалари рақобатга киришган.

Брно шаҳри(Чехия)да бадиий гимнастика бўйича халқаро мақомдаги нуфузли Гран-при мусобақаси ўтказилди. Унда ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган иқтидорли спортчимиз Ульяна Трофимова тўп билан бажарилган машқлар бўйича 27,95 балл тўплаб, рақиблари орасида кучли учликни банд этди ҳамда бронза медали соҳибига айланди.

Москва шаҳри(Россия)да 16—24 октябрь кунлари ўтказилиши режалаштирилган 21-«Кремл Кубоги» анъанавий теннис турнирида кўплаб номдор спортчилар орасида ўзбекистонлик Оқғул Омонмуродова ҳам ажойиб натижаларни қайд этмоқда. Умумий ютуқ жамғармаси 2 080 500 долларни ташкил этувчи турнирнинг хотин-қизлар ўртасидаги саралаш мусобақаларида Оқғул икки учрашувда зафар кучди. У мезбон теннисчилари бўлмиш Яна Бучина устидан 6:1, 6:2, Надежда Гускова устидан 6:0, 4:6, 6:3 ҳисобида устун келди.

З.ХОЛОВ тайёрлади.

ОРЗУЛАРИ БИР ОЛАМ

Спорт инсонни ҳам жисмоний, ҳам маънавий баркамоллик сари етакловчи кучдир. Унга ошно тутинганларнинг қалбида мардлик, жасурлик ва бағрикенглик сингари хислатлар чуқур илдиз отади. Шу маънода спортни умр мазмуни, қўлга киритаётган ютуқларни эса ҳаётнинг безаклари деб билгувчи инсонлар чин маънода бахтиёрлар сафига қиради. Таэквандо Ай-Ти-Эф (ИТФ) ҳамда ўзбек жанг санъати билан тўрт йилдан буён шуғулланиб келаётган ака-ука чемпионлар — Фаррухбек ва Элдоржон Маҳмудовлар ҳақида ҳам ана шундай фикр билдириш мумкин.

— Фарзандларимнинг Шарқ яккакурашларига бўлган қизиқиш ва иштиёқини кўриб, уларни спорт тўрагага етаклаб бордим.

Уларга бошидан оқ спорт мажмуасида машғул олиб бораётган спортчилар, мазкур ишнинг қийинчилиги ва машаққатлари ҳақида имкон қадар батафсил тушунча беришга ҳаракат қилдим, — дейди спортчиларнинг отаси Эркин Жамолов. — Ҳозирда онаси билан биргаликда уларнинг машғулотларда мунтазам иштирок этишини назорат қилиб борамиз.

Айни кунда ака-укалар Юнусобод туманидаги 12-умумтаълим мактабининг 9 ва 7-синфида таҳсил олади. Қувонарлиси, улар мактабда ҳам аъло баҳоларга ўқиб, тенгдошларига ибрат бўлмоқда. Бу борада чемпионлар онаси, информатика фани ўқитувчиси Гулшоода Холмуродованинг ҳам ўрни катта. Оиладаги ижобий муҳит, яратилган

шарт-шароитлар ҳамда спорт ва таҳсил жараёнининг узвий олиб борилиши Фаррухбек ва Элдоржон муваффақиятини таъминламоқда.

Шу билан биргаликда, ёш чемпионлар тумандаги 247-мактабда ташкил этилган ўзбек жанг санъати тўрагага устози — учинчи дан қора белбоғ соҳибаси Мушарраф Маҳмудова бошчилигидаги машғулотларда иштирок этади.

Ёш чемпионларнинг спорт соҳасидаги илк ғалабаси таэквандо Ай-Ти-Эф йўналишида 2008 йили 7—16 ёшли рангли белбоғ соҳиблари ўртасида ўтказилган Ўзбекистон биринчилигида қўлга киритилди. Ушбу мусобақада ака-укалар олтин медаль билан тақдирланди. Ўтган йили март ойида ўтказилган IV «Амир Темура кубоги» халқаро турнирида Фаррухбек ва Элдоржон иккинчи олтин медалларини қўлга киритди. Қолаверса, Тошкент шаҳрида ташкил этилган ўзбек жанг санъати бўйича республика очик биринчилигида комплекс машқларни бажариш ва маълум йўналишдаги бахслар бўйича ғалаба ака-укалар томонида бўлди. Шунингдек, миллий жанг санъати бўйича I халқаро турнирдаги муносиб иштирок ака-укаларнинг мутлақ голиблигини

Bolalar sporti



таъминлади. Бу борада ёшлар ва катталар ўртасидаги Ўзбекистон Кубоги бахслари ҳам улар учун муваффақиятли яқунланди. Аҳамиятлиси, ака-укаларнинг зафарли одимлари жорий йилда ҳам давом этмоқда. Фаррухбек ўзбек жанг санъати бўйича 7—25 ёшлилар ўртасида республика миқёсида ўтказилган Ўзбекистон чемпионатида биринчи ўринни қўлга киритди. Шу ўринда алоҳида эътироф этиш зарурки, ўтган йили Фаррухбек ва Элдоржон белгиланган барча талаб ва шартларни бажариб, биринчидан қора белбоғ соҳиби бўлдилар. Айни дамда ака-укалар тез орада бўлиб ўтадиган Ўзбекистон чемпионатидаги қизгин ҳозирлик кўрмоқда.

Орзулари бир олам бўлган Фаррухбек эндигона 14, Элдоржон эса 12 ёшни қарши олди. Демак, уларни ҳали олдинда яна кўплаб мусобақалар кутмоқда. Ишонч билан айтиш мумкинки, келгусида умидли ёшларимиз ўзбекиона тантилик, мардлик ва ор-номус тушунчаларини дунёга танитишда давом этаверади.

Санжар РУСТАМОВ, "Ma'rifat" мухбири В.ГРАНКИН олган сурат.



ЭЪЛОН


Яккасарой туман халқ таълими бўлими Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 20 августдаги «Таълим муассасаларида соғлом овқатланиш шарт-шароитларини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 184-сонли қарори ижросини таъминлаш ҳамда туман тасарруфидаги мактабларда овқатланиш шарт-шароитини яхшилаш мақсадида юридик шахс мақомига эга корхоналар ўртасида мактаб ошхоналарига хизмат кўрсатиш бўйича тендер танловлари ўтказилишини маълум қилади.

Талабгорлар Яккасарой ТХТБга мурожаат этишлари мумкин.

Яккасарой тумани, Ўрикзор, 2-тор кўчаси. Телефон: 255-36-87, 433-23-31



РУНИ ШАРТНОМАНИ УЗАЙТИРМАЙДИ



Англия терма жамоаси ҳужумчиси 25 ёшли машҳур футболчи Уэйн Руни «Манчестер Юнайтед» клуби билан янги шартнома имзолашдан бош тортиди, деб хабар берди «BBC» манбаси.

Рунининг манчестерликлар жамоаси билан тузган амалдаги шартномаси 2012 йилнинг ёзида яқунига етиши расман тасдиқланган. Руни янги шартнома имзолашга шояшылмапти. Бунга асосий сабаб сифатида сэр Алекс Фергюссон билан бўлиб ўтган келишмовчиликни кўрсатиш мумкин.

Айни пайтда Рунини ўз таркибида кўришни истаётган гранд жамоалар орасида «Манчестер Сити», «Челси» ва Испаниянинг «Барселона» ҳамда «Реал» жамоалари бор.

ЖЕЙМС ҲАМОН КУЧЛИЛАР САФИДА

«Майами» жамоаси асосий ўйинчиси Леброн Жеймс «Шарлотт» клубига қарши ўтказилган икки чемпионатда 33 очко жамғарди, бироқ у ўз жамоасини Миллий баскетбол ассоциацияси томонидан ўтказилган мавсумолди матчида мағлубиятдан сақлаб қололмади.



Ўйиннинг сўнгги учинчи таймига кўшиб берилган ўн икки дақиқа ичида 9 очко жамғарганига қарамай, «Майами» «Шарлотт»га 96:102 ҳисобида имкониятни бой берди.

Шунингдек, душанба кун «Атланта» — «Орландо» — (73:102), «Мемфис» — «Нью-Орлеан» — (96:91), «Сан-Антонио» — «Оклахома-Сити» — (102:111), «Голден Стэйт» — «Портленд» — (100:78) жамоалари ҳам майдонга тушишди.

КРАМНИК — ТУРНИР ГОЛИБИ



Ўтган ҳафтада «Катта дубулға» таснифига кирувчи мусобақада голибликни қўлга киритган россиялик шахматчи Владимир Крамник норвегиялик Магнус Карлсенни замонавий шахматда биринчи рақамли ўйинчи деб ҳисобламаслигини айтди, дея хабар берди «Спорт-Экспресс» манбаси.

— «Шахматда ҳам бошқа спорт турлари сингари омад ва омадсизлик «чизиги» тушунчалари мавжуд. Магнус бу рейтингга эришган вақтда у айнан «Омад чизиги» устида эди. Айни вақтда бир-бири билан деярли бир хил кўрсаткичга эга беш нафар шахматчи фаолият олиб бормоқда. Улар Ананд, Аронян, Карлсен, Крамник ва Топалов. Улар бошқа шахматчиларга нисбатан кўпроқ натижаларга эришган, — деди россиялик шахматчи.

Испаниянинг Бильбао шаҳрида ўтказилган супертурнирнинг 22-босқичида Крамник икки учрашувда ғалаба қозониб, тўрттасида дуранг қайд этган. Унинг тўплаган яқуний очкоси гроссмейстерлар орасидаги энг юқори кўрсаткичлардан бири (2789 очко) бўлди. Крамникнинг рақиблари — FIDE таснифида биринчи ва иккинчи ўринларни эгаллаб турган Карлсен ҳисобида 2826, ҳиндистонлик Вишванатан Ананд ҳисобида эса 2800 очко мавжуд.

Шаҳина НАРЗУЛЛАЕВА тайёрлади.





Хурматли Авазмурод ака ИСМОИЛОВ!

Сизни муборак 60 ёшлик юбилейингиз билан чин юракдан қутлаймиз. Сизга узок умр, сихат-саломатлик, бахт-саодат тилаймиз. Келажак авлодга таълим-тарбия беришдек сермашаққат ҳамда шарафли ишларингизга улкан зафарлар тилаймиз! Фарзандларингиз ва шогирдларингиз бахтига доимо омон бўлинг.

Оила аъзоларингиз ва шогирдларингиз

ОЧИҚ ОСМОН ОСТИДАГИ ЖИТОЎ

ёхуд тошларга битилган йилнома таърифи



(Давоми. Боши 1, 5-бетларда).

— Асрлар давомида халқимиз бу тасвирларга ҳурмат билан қараган, уларга зарар етказишмаган, аксинча, авлоддан авлодга тўқислигича етказишга ҳаркат қилишган, — дея не-не табиий офатлар, зилзилалардан шикаст топмайин, чиндан-да очик осмон остида катта тарих, маданият, санъат, маънавият дурдоналарини жамлаб турган сойнинг икки ёнида гўёки бир-бирига виқор билан, салобат билан боқиб турган тоғлар салтанати томон ишора қилади Рамазон ака. — Ниятимиз мазкур худудни тари-


хий, экологик ва туристик масканлардан бирига айлантириш. Халқимизни, айниқса ёшларимизни ажодларимиздан бизгача етиб келган катта умуминсоний мерос — бебаҳо санъат асарларидан воқиф этиш, уларни кўриш, тушуниш, қадрлаш орқали дилларидаги ғурур, ватанпарварлик, бурчдорлик ҳисларини камол топтиришга ҳисса қўшишдир.

...Тошлардан тошларга урилиб яратилган мўъжиза. Тасвирларни оҳистагина бармоқларим билан силайман: табиатнинг одамзод қалбига, дарди дунёсига ошнолигимикин бу?! Ўзингни, ўзлигингни унутма, зурриёдларингга неларга қодирлигингни айта ол, у бундан юксакликка интилсин, деган ўғитлар бормикан бу битикларда?! Шу забонсиз тошлар ажодларимизнинг юрак кечин-

малари ифодаси учун оппоқ қоғоз бўлиб туриб берганмикан?! Бир тасвир кўнгилдан тошга кўчгунича қай қалб соҳиби неча кун, неча ҳафта, эҳтимол ойлаб тошни тошга қалам мисоли тебратиб дилининг оҳлари, орзую армонларини тўкиб сочгандир?!

...Машина Сармишсойни ортда қолдириб, Зарафшон дарёси томон бурилади. Кўз ўнгимдан эса қоятошлардаги тасвирлар бир-бир ўтаверади. Бу таассуротлар менга буюк бир миллатнинг авлоди эканлигимизни қайта-қайта ўқтираверади, гўё. Ватанимнинг сарҳадлари ўзи бир китоб, ҳар сатрида юртпарварлик, ғурур ва ифтихор дарслари жам. Ҳатто тоғу тошлари, гулу гиёҳлари, ададсиз ёбонлари-ю, жилдирабгина оқаётган сувларида ҳам улуғликнинг бўйлари бор... Сармишсой битиклари асрлар давомида қалбларни ана шундай туйғуларга ошно этиб, юксалтириб келди. Бу эса она Ватанга муҳаббатнинг азалий ва абадий сабоқларидан бири сифатида азиз ва қадрлидир.

Ойбуви ОЧИЛОВА,
журналист
Абдуғани ЖУМАЕВ
олган фотосуратлар.



Ma'rifat

**ТА'СИС
ЕТУВЧИЛАР:**

Ўзбекистон Халқ та'лими
вазирлиги, Ўзбекистон Олий
ва о'рта maxsus та'лим
вазирлиги, Ўзбекистон
Та'лим ва фан ходимлари
касба uyushmasi
Markaziy Kengashi.

Bosh muharrir:
Abdusamat RAHIMOV

Tahrir hay'ati: Jumanazar BEK-
NAZAROV, Baxtiyor DONIYOROV,
Bahodir JOVLIYEV (bosh muharrirning
birinchi o'rinbosari), Akmal ISLOMOV
(mas'ul kotib), Mahmuda MURZAYEVA,
Husan NISHONOV (bosh muharrir
o'rinbosari), Ulug'bek TOSHKENBOYEV,
Nurlan USMONOV (bosh muharrir
o'rinbosari, "Учитель Узбекистана"),
Aleksy CHUKARIN (mas'ul kotib, "Учи-
тель Узбекистана"), Sa'dulla HAKIMOV.

Gazeta
Ўзбекистон Matbuot
va axborot agentligida
№ 0067 raqam bilan
ro'yxatga olingan.

INDEKS: 149, 150. G-922.
Tiraji 25956.

Hajmi 4 bosma taboq.

Ofset usulida bosilgan,
qog'oz bichimi A-3.

Navbatchi muharrir:
Dilshod KARIMOV.
Navbatchi:
Sherali NAMOZOV.

«Ma'rifat»-dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat
ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. Tahririyatga yuborilgan
materiallar muallifga qaytarilmaydi.

belgisi ostida reklama materiallari beriladi.

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent,
Mathuotchilar ko'chasi, 32.

E-mail: info@marifat.uz
Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib — 233-99-15, umumiy o'rta
va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-53-16, fan,
oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi yangiliklari bo'limi
— 236-54-03, adabiyot, madaniyat, kasaba uyushmalari hayoti
yangiliklari bo'limi — 236-54-69, ma'naviyat va maktabdan
tashqari ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-54-23, siyosat,
xalqaro hayot va sport yangiliklari bo'limi — 236-55-58,
reklama va marketing bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda
erkin narxda

Dizaynerlar:
Liliya BINASHEVA,
Begzod JONTEMIROV.

«Sharq» nashriyot-matbaa
aksionerlik kompaniyasi
bosmaxonasi.

Korxonalar manzili: «Buyuk Turon»
ko'chasi, 41-uy

Bosishga topshirish
vaqti — 21.00.
Topshirildi — 02.15
Yza mukna — 01.45